

О. Генри

ШАФТОЛИ ВА ПЎРТАХОЛ

(Ҳикоялар)



ТОШКЕНТ
«O‘ZBEKISTON»
2018

УЎК 821.111(73)-32
КБК 84(7АҚШ)5
Г 34

Рус тилидан

Саиджалол Саидмуродов таржималари

Кичик жанрда ижод қилган америкалик адиб О.Генри (1862–1910) ўзбек адабиёт ихлосмандларига «Афсунгарларнинг тухфаси», «Биржа даллолининг севгиси» каби ҳикоялари билан таниш. О.Генри ҳикоялари ҳаётий воқеликка асосланган бўлиб, улар ёзувчининг ўта синчковлигидан далолат беради. Мазкур тўпламда жамланган ҳикоялар билан танишган ўқувчи ҳаётни янада чуқурроқ ўрганади, унинг пасту баландликдан иборат йўл эканлигини ҳис қилади, муаллифнинг жонли тасвирларида ўз ҳаётига уйғун бўлган мувозий чизгиларни кўради.

ISBN 978-9943-25-433-6

© Саиджалол Саидмуродов (тарж.), 2018
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2018

ШАФТОЛИ ВА ПЎРТАХОЛ

Асал оyi айни авжида эди. Янги ал-вон гилам, кунгурали пардалар хоналарни безаб турар, ошхона ёғоч панелининг туртиб чиққан жойига қалай қопқоқли олти дона пиво идиши қўйилганди. Ёш келин-куёв ҳали ҳам ўзларини самода сузиб юргандек ҳис қилишарди. Униси ҳам, буниси ҳам «ариқ бўйидаги ўтлар орасида наврўзгулнинг сарғайганини» кўрмаганди; агар бундай манзара уларнинг кўз ўнгиларида намоён бўлганда ҳам, шоир фикрича, гуллаётган наврўзгулни кузатиб тургандек қараб қолишарди.

Янги келин оромкурсида, оёқлари ерга тегиб ўтирар, ширин хаёлларга чўмганди. Уни Гренландия, Бажулистон ва Тасмания оролида Кичкинтой Мак-Гарри билан бўлган тўйлари юзасидан нималар дейишаётгани ҳақидаги фикр банд қилганди. Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Лондондан



то Жанубий Хоч юлдузигача Кичкинтой Мак-Гаррига қарши ўрта вазнда тўрт соатга тенг тўрт раунд туриб бероладиган биронта боксчи топилмасди. Мана, уч ҳафтадан буён Кичкинтой Мак унгагина тегишли; жимжилоғини теккизса бас — хатто машҳур «ринг қироллари»нинг мушти унга қарши ожиз бўлган кимса ҳам гандираклаб кетади.

Биз ўзимиз севган пайтимиз «севги» сўзи ўзини ўзи қурбон қилишнинг синоними бўлиб туюлади. Девор ортидаги кўшниларибиз севганда эса, бу сўз калондимоғлик ва сурбетликни англатади.

Ёш келин туфлидаги оёқчаларини чашиштириб, Купидон¹нинг сурати солинган шифтга ўйчан боқди.

— Азизим, — деди у, Рим унинг хузурига асл ҳолатида келтирилиши учун Антонийга истак билдирган Клеопатрадай. — Азизим, шафтоли есам бўлармиди?

Кичкинтой Мак-Гарри ўрнидан туриб, пальто ва шляпасини кийди. У жиддий, келишган, кўнгилчан ва зехни ўткир эди.

— Хўп, майли, — деди у совуққон, гўё гап Англия чемпиони билан бўладиган

¹ *Купидон* — юнон мифологиясида севги маъбудди (*изоҳлар таржимонники*).

матч шартномасига имзо чекиш ҳақида кетаётгандек. – Ҳозир олиб келаман.

– Фақат узоқ қолиб кетма, – деди келин. – Акс ҳолда ўзимнинг кичкинтойимни соғиниб қоламан. Яхшисидан, пишганидан олгин.

Узоқ ва қайноқ хайрлашувдан сўнг Кичкинтой кўчага чикди.

Кўчада у бироз ўйланиб қолди. Чиндан ҳам эрта баҳорда, рутубатли кўча ва расталар орасидаги совуқда ёзнинг орзиқиб кутилган олтиндек сап-сарик лаззатли тухфасини топиш амримаҳол эди.

Мева сотувчи италяннинг дўкони жойлашган муюлишга етгач тўхтаб, папирос қоғозга ўралган тоғ-тоғ пўртахол, ярқираган қирмизи олма ва кўёш нурларини соғинган рангпар бананларга нафрат билан назар ташлади.

– Шафтоли борми? – ошиқларнинг ошиғи Дантенинг ватандошига мурожаат қилди.

– Йўк, синьор, – хўрсинди сотувчи. – Бир ойдан кейин бўлади. Мана, яхшигина пўртахоллар бор. Оласизми?

Кичкинтой жавоб бермай, излашда давом этди. У ўзининг қадрдон дўсти ва мухлиси Жастес О'Кэллэхэн – арзон рес-



торан, тунги клуб ва кегельбан¹дан иборат жамлаган корхона соҳиби ҳузурига йўл олди. О'Кэллэхэн жойида экан. У ресторан бўйлаб тартиб ўрнатиб юрарди.

– Шошинч иш чиқиб қолди, Кэл, – деди унга Кичкинтой. – Бизнинг кампирнинг миясига шафтоли ейиш келиб қолибди. Шунинг учун сенда ақалли бир дона бўлса ҳам бу ёққа узат. Агар кўпроқ бўлса, бир неча дона бер – асқотиб қолади.

– Бутун уйим сенинг хизматингда, – жавоб берди О'Кэллэхэн. – Фақат унда шафтоли топилмайди. Ҳозир мавсуми эмас. Ҳатто Бродвейда ҳам йилнинг бу вақтида топиш даргумон. Сенга ачинаман, дўстим. Агар аёл кишининг кўнгли бирон нимага кетса, бошқасини эмас, айнан ўша нарсани келтириб бериш керак-ку. Вақт алламаҳал бўлиб қолди, энг яхши мева дўконлари ҳам аллақачон ёпилгандир. Балки, хотининг пўртахолга кўнар? Ҳозиргина бир қути сара пўртахолларни қабул қилиб олдим, шундай экан, агар...

– Йўқ, Кэл, раҳмат. Матч шарти бўйича шафтоли талаб қилинади, бошқа

¹ *Кегельбан* – кегли (боулинг) ўйини ўйналадиган жой.

нарса қабул қилинмайди. Ҳай, майли, бошқа ердан излаб кўрай-чи.

Кичкинтой ғарбий авенюларнинг биридан чиққанда, ярим тунга яқинлашиб қолганди. Дўконларнинг кўпи аллақачон ёпилган, очиқларида ҳам шафтоли ҳақида офиз очиши билан хахолаб юборай дейишди.

Ахир, қаердадир, баланд деворлар ортида, меҳмонхонада келинчак кутиб ўтирибди. Нахот, унга ўрта вазн тоифасидаги чемпион шафтоли топиб келтиролмаса? Нахот, у суюклисини сариқ ёки пуштиранг ширин мева билан севинтириш учун фасллар, об-ҳаво тўсиқларини хатлаб ўтолмаса?

Олдинда ер юзидаги тўкин ҳаётнинг барча бўёқлари билан жилоланиб турган ёруғ пешойна кўринди. Аммо Кичкинтой ичкарида чироқ ўчганини пайқамай қолди. У кучи борича югуриб, дўкон эшигини қулфлаётган мева сотувчисини қувиб етди.

– Шафтоли борми? – сўради у дадиллик билан.

– Қизиқмисиз, сэр! Икки-уч ҳафтадан кейин бўлади, ундан вақтли эмас. Ҳозир бутун шаҳардан ҳам излаб тополмайсиз. Агар бирор ерда бир неча дона бўлса



ҳам улар иссиқхонаники, айнан қаердан излаш кераклигини ҳам айтолмайман. Топилса ҳам пулларини қаёққа қўйишни билмайдиган бойваччалар турадиган энг қиммат меҳмонхоналардан бирида топилади. Мана, агар маъқул бўлса, мазали пўртахолларни таклиф қилишим мумкин, бугун пароходда бир партия келтирилди.

Кейинги муюлишга етгач, Кичкинтой бир зум ўйланиб қолди, кейин қоронғу тор кўчага бурилиб, эшиги олдида яшил фонарь ёниб турган уй томон юрди.

– Капитан шу ердами? – сўради у навбатчи полициячи сержантдан.

Шу пайт капитаннинг ўзи навбатчининг орқасидан лоп этиб чиқди.

– Омонмисиз, Кичкинтой! – капитан қарши олди боксчини. – Мен сизларни тўй саёҳатидамисизлар деб ўйлабман.

– Кеча келдим. Энди мен Нью-Йорк шаҳрининг доимий фуқаросиман. Хатто муниципал фаолият билан шуғуллансам керак. Айтинг-чи, капитан, бугун тунда Денвер Дикнинг идорасини босишни хоҳлармидингиз?

– Қўлга тушди-ку! – деди капитан мўйлабини бураб. – Денверни икки ой аввал тўхтатишганди.

– Тўппа-тўғри, – капитаннинг фикрига қўшилди Кичкинтой. – Икки ой олдин Рафферти уни Қирқ Учинчи кўчадан сиқиб чиқарганди. Энди эса у сизнинг участкангизга ўрнашиб олибди. Ҳозир уникида ҳар қачонгига қараганда катта ўйин кетяпти. Денвер билан алоҳида ҳисоб-китобим бор. Хоҳласангиз, унинг олдига олиб боришим мумкин.

– Менинг участкамда? – ўдағайлади капитан. – Бунга ишончингиз комилми, Кичкинтой? Агар шундай бўлса, буни сиз томондан катта хизмат деб биламан. Нима, сизга пароль маълумми? У ерга қандай қилиб кирамиз?

– Эшикни бузиб, – деди Кичкинтой. – Эшикка темир қоплаб улгуришганича йўқ. Ўзингиз билан ўн киши олволинг. У ернинг эшиги мен учун берк. Денвер мени тинчитмоқчи бўлди. Ўйлаяптики, ўтган сафар мен уни тутиб бердим. Ваҳоланки, у адашяпти. Лекин сиз шошилинг, капитан. Вақтлироқ уйга қайтишим керак.

Ўн дақиқа ўтар-ўтмас капитан ва унинг итоаткорлари йўлбошчилари ортидан кундузи ўнлаб обрўли фирмалар ўз ишларини битирадиган, кўринишидан бутунлай камтарона бинонинг қоронғу подъездига кириб кетишарди.



– Учинчи қават, йўлакнинг охирида, – аста шивирлади Кичкинтой. – Мен олдинда бораман.

Болта билан қуролланган икки барваста йигит Кичкинтой кўрсатган эшик олдига туришди.

– Ичкарида жимжитлик, шекилли, – шубҳаланди капитан. – Адашмаганингизга ишончингиз комилми ўзи, Кичкинтой?

– Бузинглар эшикни, – жавоб ўрнига буйруқ берди Кичкинтой. – Агар адашган бўлсам, ўзим жавоб бераман.

Болталар тасир-тусур билан ҳимоясиз эшикка урила бошлади. Эшик ёриғидан ёруғлик тушди. Эшик ағдарилиши билан қуршов иштирокчилари револьверларини шайлаб, ичкарига бостириб киришди.

Кенг зал ғарблик хўжайиннинг дидига мос шовқин-суронга тўла эди. Бир неча столда ўйин кетарди. Залдаги эликтача ишқибозлар нима қилиб бўлса-да, полиция кўлидан қочиб қутулиш учун чиқиш йўлагига ёпирилишди. Полиция таёқлари ишга тушди. Бироқ ўйинчиларнинг кўпи қочишга улгурди.

Бу кеча Денвер Дик қиморхонада ўзининг алоҳида иштироки билан илтифот кўрсатди. У сон жихатидан устун бўлса-да, қуршов иштирокчиларини ян-

чиб ташлашига ишониб, чақирилмаган меҳмонларга биринчи бўлиб ташланди. Лекин Кичкинтойга кўзи тушган заҳоти, ортиқ ҳеч ким ва ҳеч нарсани ўйламай қўйди. Улкан офир спортчидай шавқ билан кўринишидан анча нозикроқ душманига отилди, иккаласи ҳам бир-бирига чирмашганча зинадан пастга думалаб кетди. Иккинчи қават майдоносидагина улар ажралишиб, оёққа туришгач, йигирма минг долларлик молни йўқотиш хавф солиб турган икки юз қадоқ офирликдаги кучли ҳаяжондаги хаваскор уни қучоғида куч билан қисиб тураркан, чорасиз қолган Кичкинтой ўзининг профессионал маҳоратини ишга солди.

Рақибини бир ёқли қилгач, Кичкинтой юқорига отилди ва қиморхона залига югуриб ўтиб, дарвоза билан ажратилган кичикроқ хонада пайдо бўлди.

Бу ерда омад рицарларини тўйдиралади деб ҳисобланадиган қимматбаҳо чинниларда тансиқ таомлар билан тўлдирилган узун стол турарди. Столнинг ташқи кўриниши ғарбий штатлардан бирининг пойтахтидан келган жентльменнинг нозик дидини эслатиб турарди.

Полгача осилиб турган оппоқ дастурхон тагидан қирқ бешинчи ўлчамдаги лок-



ланган штиблет¹ чиқиб турарди. Кичкинтой унга ёпишди ва чироқ ёруғида фрак ҳамда оқ бўйинбоғдаги негр-официантнинг юзи пайдо бўлди.

– Тур ўрнингдан! – буйруқ берди Кичкинтой. – Сен шу «емхона»да ишлайсанми?

– Ҳа, сэр, ишлардим. Наҳот, бизни яна қўлга туширишган бўлса?

– Шунақароқ. Энди жавоб бер: бу ерда, сенда шафтоли борми? Агар йўқ бўлса, менинг ҳисобимга нокаут ёзилади.

– Ўйин бошланганда менда уч дўжна² шафтоли бор эди, сэр. Аммо жентльменлар битта ҳам қолдирмай ҳаммасини паққос туширишди. Балки сара ва янги пўртахол ейишни маъқул кўрарсиз, сэр?

– Ҳаммаёқни остин-устун қил! – қатъий буюрди Кичкинтой. – Лекин қўлимда шафтоли бўлсин. Агар бугун яна кимдир менга пўртахолдан оғиз очса, уриб ўлдираман.

Денвер Дикнинг сахийлиги билан тўлдирилган столдаги синчков тинтув тасодифан қимор шинавандаларининг мазахўрак оғзидан қутулиб қолган ягона шафтолини

¹ Эркаклар боғичли ботинкаси.

² *Дўжна* – дюжина, 12 дона.

топишга ёрдам берди. У шу заҳоти Кичкинтойнинг чўнтагига тушди ва бизнинг тиним билмас «фуражир»¹имиз ўлжаси билан ортига қайтди. Кўчага чикқач, у ҳатто капитаннинг одамлари асирларни полиция фургонига тикишаётган томонга қайрилиб ҳам қарамасдан уйи томон тез-тез одимлаб кетди.

Унинг кўнгли энди хотиржам тортганди. Думалоқ стол рицарлари гўзал хонимлари шарафига кўплаб хавф-хатарларни бошларидан ўтказиб, қаҳрамонликлар кўрсатиб, Камелотга ана шундай тарзда қайтишарди. Уларга ўхшаб Кичкинтой ҳам ўзининг суюклисидан буйруқ олиб, уддасидан чиқди. Тўғри, иш фақатгина бир дона шафтолига бориб етди, бироқ ярим тунда, бунинг устига, февраль қорлари билан «кишанланган» шаҳарда бу шафтоли қаҳрамонлик билан қўлга киритилмадими? Ахир, у шафтоли сўради, ахир, у Кичкинтойнинг рафиқаси-ку; мана, шафтоли Кичкинтойнинг чўнтагида, тушириб юбормаслик ва йўқотиб қўймаслик учун маҳкам ушлаб турган кафтида исиб ётибди.

Йўл-йўлакай Кичкинтой тунги дорихонага кириб, кўзойнак ортидан савол на-

¹ *Фуражир* – ем-хашак тайёрловчи.



зари билан тикилиб қолган дорихоначига шундай деди:

– Қулоқ солинг, агар хизмат бўлмаса, қовурғаларимни текшириб кўришингизни хоҳлардим, бутунмикин? Офайним билан бироз тортишиб қолиб, бир-икки қаватли зинапояларда ҳисоблашишимга тўғри келди.

Дорихоначи уни диққат билан текшириб кўрди.

– Қовурғаларингизнинг ҳаммаси бутун, – хулоса қилди у. – Аммо мана-ви ерингиз моматалоқ бўлибди, афтидан, сизни осмонўпар бинодан йиқилгансиз деб айтиш мумкин, бир марта эмас, кам деганда икки марта.

– Аҳамияти йўқ, – деди Кичкинтой. – Мен сиздан фақат кийим чўтка сўрайман.

Пуштиранг абажурли¹ чироқнинг ёруғ нури остида келинчак Кичкинтойни кутиб ўтирарди. Йўқ, ҳали мўъжиза рўй бергани йўқ. Мана, нима истаётганини бир овиз сўз билан айтса бўлгани — бу арзимаган нарса бўла қолсин: гулми, анорми, ёки э, ҳа, шафтоли — эри тун қўйнига кириб, унинг истагини бажо келтиради.

¹ Абажур — лампочка қалпоғи.

Дарҳақиқат, мана, у суюклисининг оромкурсисига эгилиб, қўлига шафтоли тутқазди.

– Ярамас кичкинтойим! – ошиқона минғиллади келинчак. – Наҳотки, шафтоли сўраган бўлсам? Мен жон деб пўртахол еган бўлардим.

БАДАЛ

Камина ва қария Мак бу ўйиндан ҳар биримизга қирқ минг доллардан «олтин тўла хумча»ларга эга бўлиб, аранг қутулиб яшириндик. Мен Макни «қария» деб атаганим билан у қария эмасди. Қирқ бирда эди. Шундай бўлса-да, Мак кекса чолдай кўринарди.

– Энди, – деди менга Мак, – югур-югурлар мени чарчатди. Биз сен билан сўнгги уч йил ичида анча-мунча пул ишладик. Кел, андак дам олиб, кўнгилхушлик қиламиз.

– Айни муддао, – дедим. – Яхши-си, вақтинча подшолардай яшаб кўрамиз, қандай бўларкин? Хўш, нима қиламиз: Ниагара шаршараси бўйлаб саёҳат қиламизми ёки «фараон»¹ ўйнаймизми?

¹ Қарга ўйини.



– Кўп йиллардан бери, – деди Мак, – агар менда ортиқча пул бўлса, бирон ердан икки хонали кулбаи вайрона сотиб олиб, хитойлик ошпаз ёлламан ва битта пайпоғимни ечганча, Бокл¹нинг «Цивилизация тарихи»ни ўқиб ўтираман, деб орзу қиламан.

– Хўш, – дедим, – сохта дабдабасиз ҳам маза қилиб яшаса бўлади. Пулни яшириш учун бундан яхшироқ «банк»ни ўйлаб тополмайсан. Менга каккули соат ва Сеп Уиннернинг «Банжо² чалишни мустақил ўрганиш учун қўлланма»сини олиб берсанг бўлгани — биз сен билан шерикмиз.

Бир ҳафтадан сўнг Мак иккаламиз Денвердан ўттиз милча узоқдаги Пиня шаҳарчасига келдик ва айни биз учун керак бўлган икки хонали озода «кулба» топдик. Шаҳарча банкига бир «вагон» пул қўйиб, шаҳарчанинг уч юз қирқ нафар аҳолиси билан танишиб чиқдик. Хитой ошпазимизни, каккули соатни, Бокль ва Сеп Уиннерни Денвердан олиб келдик. Шундан кейин кулба худди ўз уйимиздагидек шинам ҳолатга келди.

¹ *Генри Томас Бокль* (1821–1862) — инглиз тарихчиси.

² Америка негрларининг торли чолғу асбоби.

Агар, бойлик бахт келтирмайди, дейишса ишонманг. Қария Макнинг тебранма стулда ўтириб, ипдан тўқилган кўк пайпоқдаги оёғини дераза тоқчасига қўйганча кўзойнак орасидан Боклнинг «дори»сини шимиб ўтирганини кўрсангиз эди — бу нақ Рокфеллер¹ ҳасад қиладиган тўкин ҳаётнинг ўзгинаси эди. Мен эса банжода «Яшавор, қария Зип»ни чалишни ўрганардим, какку ўз вақтида фикрини билдириб турар, А-Син эса атрофни учқатнинг ҳидини ҳам чекинишга мажбур қиладиган қовурилган тухум ҳамда ветчина²нинг ажойиб иси билан тўйдирарди. Боклнинг сафсатаси ва «Мустақил қўлланма» найранглари муҳокама қилишга жуда кеч бўлиб қолганда Мак билан трубка чекиб, фан, марварид излаб топиш, ишиас³, Миср, орфография, балиқлар, пассат⁴, тери ошлаш, миннатдорлик, бургутлар ва ҳеч қачон ўз фикримизни билдиришга вақтимиз бўлмаган турли хил нарсалар ҳақида суҳбатлашиб ўтирардик.

¹ *Рокфеллер* — 19-аср охири ва 20-аср бошида дунёдаги энг бой кишилардан бири.

² *Ветчина* — дудланган чўчка гўшти.

³ Қуймич нервнинг яллиғланиши.

⁴ Тропиклардан экваторга эсиб турадиган доимий қуруқ шамол.



Бир куни кечаси Мак мендан, хотин зотининг феъл-атвори ва найрангларининг фарқига борасанми, деб сўраб қолди.

– Кимдан сўраётганингни биласанми? – дедим ўзимга ортиқча ишониб. – Мен уларни Альфреддан Омахагача¹ билгандек биламан, – дедим. – Мен Қояли тоғдаги ўткир кўзли бургутдек тез фарқлаёламан. Хотинларнинг хийла-найрангларини сув қилиб ичиб юборганман.

– Биласанми, Энди, – деди Мак хўрсиниб, – уларга нисбатан менда интилиш бўлмаган. Балки, улар билан ёнма-ён бўлишга мойиллик пайдо бўлгандир, лекин бунга вақт қаёқда дейсан. Ўн тўрт ёшимдан ишлаб пул топа бошладим. Фикри хаёлларим нозик жинс вакилларига чорлайдиган хис-туйғулар билан банд бўлмаган. Гоҳида бундан афсусланаман.

– Аёллар – ўрганиш учун нобоп мавзу, – дедим, – буларнинг бари нуқтаи назарга боғлиқ. Улар бир-биридан фарқ қилса-да, баъзи майда-чуйдаларда ўхшаш.

– Менимча, – давом этди Мак, – ёш пайтингда уларга қизиқиб, илҳомланганинг афзалроқ. Мен имкониятимни қўлдан бой

¹ *Альфреддан Омахагача* – альфадан омегагача; кўчма маънода: бошдан-оёк.

бердим. Балки, мен уларни ўз дастуримга киритишга қариб қолгандирман.

– Билмадим, – дедим унга, – балки сен пул тўла бочка ва ҳар қандай ғамташвишлардан бутунлай озод бўлишни афзал кўрарсан. Лекин мен уларни ўрганганимдан афсусланмайман. Аёл ҳийланайрангларини фарқига борадиган киши бу дунёда ўзини хафа қилдириб қўймайди.

Биз ҳамон Пиняда яшардик, бу ер бизга ёқиб қолганди. Баъзи одамлар пулларини шов-шув, шовқин-сурон ва у ёқдан бу ёққа кўчиб юришга сарфлашни маъқул кўрадилар. Бироқ югур-югурлар ва меҳмонхона сочиқлари Мак иккаламизнинг жонимизга текканди. Пиня аҳолиси бизга яхши муносабатда бўлишарди. А-Син ош-нонни дидимизга қараб тайёрларди. Мак ва Бокль икки қабристон ўғрилари каби ажралмас эдилар. Мен эса банжода юракни эзадиган «Буффалолик қизлар, оқшом чиқинглар»ни деярли аслидагидек чалардим.

Бир куни Спейтдан келган шошилинчномани қўлимга тутқазди. У Нью-Мексикода кон қазирди ва мен ундан фоиз олардим. Жўнашга тўғри келди. У ерда икки ой қолиб кетдим. Пиняга қайтиб, ҳузур-ҳаловатда яшашга сабрим чидамасди.



Кулбамизга келиб, сал қолса хушимни йўқотай дедим. Мак эшик олдида турар ва агар фаришталар йиғлай олишса, онт ичаманки, бу дақиқаларда улар кула олишмасди.

Бу одам эмас — нақ томошанинг ўзи эди! Чин сўзим! Унга кўзойнак ёки дурбин тугул Лик обсерваториясининг телескопидан қараш керак эди.

Макнинг эғнида нимча, сюртук, оёғида ярақлаб турган ботинка, бошида цилиндр. Кўкрак чўнтагига ёронгул қистириб олган. У жилмаяр ва қорни оғриётган боладай кийшайиб турарди.

— Hello¹, Энди, — тишлари орасидан гапирди Мак, — қайтиб келганингдан хурсандман. Сен йўқлигингда бу ерда баъзибир ўзгаришлар бўлди.

— Кўриб турибман, — дедим, — бу куфр эканини ҳам тан оламан. Парвардигор сени бундай яратмаган, Мак Лонсбери. Ўзингни бу ҳолга солиб нима учун Унга шак келтирдинг?

— Биласанми, Энди, — деди у, — мени мураса қозиси этиб тайинлашди.

Макка диққат билан қарадим. Унинг юзи ташвишли ва асабий эди. Мураса

¹ *Hello* (инг.) — салом.

қозиси мотамсаро ва мулойим табиат бўлиши лозим.

Айни шу дам йўлакдан қандайдир бир қиз ўтиб кетди. Шунда Макнинг жилмайганини ва қизариб кетганини сездим. Кейин эса у цилиндрини ечди ва кулиб таъзим қилди, қиз ҳам жилмайиб таъзим қилди-ю, йўлида давом этди.

– Агар, – дедим, – шу ёшингда мухаббат дардига йўлиққан бўлсанг, тамом бўпсан. У сенга юқмайди деб ўйлагандим. Локланган ботинкаларинг-чи!? Буларнинг ҳаммаси атиги икки ой давомида рўй бердими?

– Кечқурун тўйим бор... анов гўзал қиз... – деди Мак ҳаяжонланиб.

– Почтада бир нарсани унутиб қолдирибман, – дея шошиб нари кетдим.

Юз қадамда қизга етиб олдим. Шляпамни ечиб, ўзимни таништирдим. У тахминан ўн тўққизда эди, лекин хийла ёш кўринарди. У жаҳли чиққандай менга совуқ қараш қилди.

– Бугун оқшом тўйингиз деб эшитдим.

– Тўғри, – деди қиз, – бу сизга нима учундир ёқмаяптими?

– Қулоқ сол, синглим, – дедим.

– Менинг исмим Ребоза Рид, – деди қиз ранжигандай.

– Биламан, – дедим, – шундай қилиб, Ребоза, мен ёш бола эмасман, отанг тенгиман. Анави куркага ўхшаб думини ёйиб, қулқ-қулқлаб юрган, локланган ботинкадаги кекса, ясаниб олган, денгиз касалига учраган, шарти кетиб парти қолган киши менинг энг яқин дўстим бўлади. Хўш, нима жин уриб сен Макка илакишиб, уни никоҳ маросимига судраяпсан?

– Ахир, бошқаси йўқ-да, – жавоб берди мисс Ребоза.

– Бемаънилик, – дедим унга ва атрофга аланглаб. – Бу чиройинг билан хоҳлаганингни илинтириб оласан. Қулоқ сол, Ребоза, қария Мак сенинг тенгинг эмас. Сен Рид бўлиб туғилганигда у йигирма иккида эди. Унинг қирчиллама даври узокқа бормайди. Қариб, бошида ҳар хил бемаъни хаёллар айланиб юрибди. Ҳозир унинг хотин-халажга ўчлик даври, фақат шугина. Ёшлигида ўз улушини қўлдан чиқарди, энди эса Амур¹ нақд пул ўрнига қолдирган вексель² бўйича фоизларни табиатдан ялиниб ундирмоқчи... Ребоза, бу никоҳ сен учун шунчалик зарурми?

¹ Камон билан қурулланган болакай қиёфасидаги севги илоҳи (юн. миф.).

² Қарз ҳужжати.

– Албатта, – деди у шляпасидаги капалакгулни силкитиб. – Ўйлашимча, битта мен учун эмас.

– Тўй соат неччида бўлиши керак? – сўрадим.

– Олтида.

Дарҳол қандай йўл тутиш кераклигини ҳал қилдим. Макни қутқариш учун барча чораларни кўришим керак. Шундай яхши, ёши қайтган, оила қуришга ярамайдиган одамни ҳали қалам тишлаш одатини ташлаёлмаган қандайдир қиз учун қурбон бўлишига йўл қўйиш – йўқ, бунга шунчаки қараб туrolмайман.

– Ребоза, – дедим жиддий, – нахот Пиняда сенга ёқадиган бирор йигит... дурустроқ йигит бўлмаса?

– Бор, – деди Ребоза капалакгулни силкитиб, – албатта, бор. Шуни ҳам сўрайдимиз?!

– Сен унга ёқасанми? – сўрадим. – У сенга қандай муносабатда?

– Ақлдан озаёзган, – жавоб берди Ребоза. – Кун бўйи эшигимиз тагида ўтираверганидан ойим у ерга сув қуйишига тўғри келяпти. Аммо эртага, ўйлайманки, бунга чек қўйилади, – дея тугатди гапини хўрсиниб.



– Ребоза, – дедим, – сенда Макка нисбатан севги хисси бўлмаса керак, тўғрими?

– Шу етмай турувди! – деди қиз бошини чайқаб. – Менимча, у тешик бочкага ўхшаб қуриб қолган. Ўйлаб топган нарсангизни қаранг-у!

– Бу сен ёктирадиган йигит ким ўзи? – суриштирдим.

– Эдди Бэйлз, – деди қиз. – У Кросбининг колониал дўконида ишлайди. Бироқ ойига бор-йўғи ўттиз беш доллар топади. Бир вақтлар Элла Ноукс уни деб ақлдан озганди.

– Макнинг айтишича, – дедим, – бугун кечки соат олтида тўйларинг бўлармиш.

– Тўша-тўғри, – деди у, – соат олтида, бизникида.

– Ребоза, – дедим. – Қулоқ сол! Агар Эдди Бэйлз нақд минг долларга эга бўлса... минг долларлик хусусий дўконга эга бўлишини ҳам ҳисобга ол... Хуллас, агар Эдди икковингизнинг қўлингизга шунча пул тушса, Эдди билан бугун кеч соат бешда никоҳдан ўтишга рози бўлармидинг?

Қиз менга тикилиб қолганлигидан бундай вазиятларда аёллар учун одат бўлмиш

ифодалаш қийин ўй-фикрлар унинг вужудини эгаллаётганини сездим.

– Минг доллар? – деди у. – Албатта, рози бўлардим.

– Кетдик, – дедим. – Эддининг олдида.

Биз Кросбининг дўконига йўл олдик ва Эддини ташқарига чақирдик. Эддининг юзини сепкил босган экан. Таклифимни айтганимда у иккиланиб қолди.

– Соат бешда? – деди Эдди. – Минг долларга? Э-э, мени уйғотманглар. Тушундим! Сиз Ҳиндистонда зираворлар савдоси билан бойлик орттирган амаки-сиз. Мен эса қария Кросбидан дўконни сотиб оламан – қарабсизки, ўзимга ўзим хўжайинман.

Дўконга кириб, Кросбини четга тортдик ва ҳаммасини унга тушунтирдик. Мен минг долларлик чек ёзиб, қариянинг қўлига бердим. У агар соат бешда Эдди ва Ребоза никоҳдан ўтишадиган бўлишса, дўконни уларга топшириши керак эди.

Кейин эса уларни дуо қилиб, ўрмонга сайрга жўнадим. Тўнкага ўтириб, ҳаёт, кексалик, тақдир, хотинлар мантиғи ҳамда инсон чекига тушадиган ташвиш ҳақида хаёл сурдим. Қария ошнам Макни иккинчи ёшлик касалидан қутқариб

қолганим учун ўзимни табриклардим. Кўзи очилиб, тентаклиги ва локланган ботинкаларини ташлаганда, у мендан миннатдор бўлишини билардим. «Макни бундай рецидив¹лардан қутқазиб қолишга, – ўйладим, – минг доллардан кўпроқ сарфласа арзийди». Айниқса, аёлларни ўрганганимдан, уларнинг биронтаси мени инжиқликларию ҳийла-найранглари билан алдаёлмасликларидан хурсанд эдим. Уйга қайтганимда, тахминан, бешу ўттиз эди. Ичкарига кириб кўрдимки, қария Мак тебранма стулида ялпайиб ўтирибди, эгнида эски костюми, кўк пайпоқдаги оёқларини дераза тоқчасига чиқариб олган, тиззасида эса — «Цивилизация тарихи».

– Соат олтида тўйга борадиганга ўхшамайсан, – дедим ҳеч нарса бўлмагандай.

– А-а, – деди Мак тамакига қўл узатиб, – тўйни бешга кўчиришибди. Хат билан хабар беришди. Тўй аллақачон туғади. Ўзинг шунча вақт қаёқларда қолиб кетдинг, Энди?

– Тўй ҳақида эшитдингми? – сўрадим.

– Ўзим уларни никоҳладим, – деди Мак. – Сенга айтгандим-ку, мени муро-

¹ *Рецидив* – касалнинг қайталаниши.

са қозиси этиб сайлашганини. Рухоний қаерлардадир Шарқ томонларда қариндошлариникида меҳмонда юрибди, мен эса никоҳ маросимларини ўтказишга ҳуқуқи бўлган шаҳарчадаги ягона одамман. Бир ой олдин Эдди ва Ребозага, икковингни ўзим никоҳлаб қўяман, деб ваъда бергандим. Эдди ишбилармон йигит, йўлини топиб хусусий дўконига ҳам эга бўлади.

– Эга бўлади?

– Тўйда жуда кўп хотинлар бўлди, – деди Мак, – лекин уларда бирор-бир янгиликни сезмадим. Худди сенга ўхшаб уларнинг хийла-найранглари ҳақида билишни истардим... Ахир, сен айтгандингки...

– Икки ой аввал айтгандим, – дея қўлимни банжога чўздим.

БИРЖА ДАЛЛОЛИНИНГ СЕВГИСИ

Питчер — биржа даллоли Гарви Макссуэлнинг идорасидаги ишончли ходимлардан бири. Эрталабки соат тўққиз ярим. Макссуэл ёш котиба қиз ҳамроҳлигида идорага кириб келди. Ҳамма уларга ҳайрат ва қизиқиш билан боқарди.

– Салом, Питчер, – деди Макссуэл. У ўзининг иш столига шахт билан ўтираркан,



дарҳол уни кутиб турган хатлар, шошилинчномалар денгизига шўнғиди.

Ёш котиба қиз Макссуэлнинг идорасида бир йилдан бери ишларди. Қиз унчалик хушсурат ҳам эмасди. Дабдабали соч турмаклари унга ёқмас, на зирак, на билагузук тақарди. Унда ҳеч қачон ресторанга кириш хоҳиши бўлмаган, таклиф қилишганда эса кайфияти йўқлигини баҳона қиларди. Оддий, кулранг, нафис кўйлаги унга ярашиб турар, одми, қора шляпаси яшил тўтиқуш пати билан безатилганди. Ўша куни эрталаб кўзлари порлар, юзларига қизиллик югурган, кўринишидан бахтиёр эди.

Уни қизиқиш билан кузатган Питчер қиз ўзини одатдагидан кўра бошқачароқ тутаётганини сизди. Аввал котиба ўзининг хонасига кириш ўрнига ниманидир кутаётгандек идора ичида тимирскиланиб юрди. Атиги бир марта Макссуэлнинг иш столига нигоҳ тушадиган даражада яқин келди.

Стол олдида ўтирган Макссуэл умуман одамга ўхшамасди. У филдирак ва пружиналар ёрдамида ҳаракатланувчи, бўғзигача банд нью-йорклик даллол-машина эди.

– Хўш, нима гап? – тўсатдан сўради Макссуэл. Очиқ хатжилдлар столда со-

чилиб ётарди. Унинг ўткир, кулранг кўзлари қизга ғазаб билан боқди.

– Ҳеч нарса, – жавоб қайтарди котиба ва енгил табассум билан нари кетди.

– Жаноб Питчер, – деди қиз ишончли ходимга, – жаноб Макссуэл кеча янги котиба қизни ишга олиш ҳақида гапирганмиди?

– Айтганди, – жавоб берди Питчер, – у янги котиба қиз топишни буюрганди. Бир неча котиба қизларни синов учун бизга жўнатишларини бюрога билдиргандим. Соат ўндан қирқ дақиқа ўтяпти-ю, лекин уларнинг бирортасидан дарак йўқ.

– У ҳолда ўрнимга бошқа биров келмагунча ҳар доимгидек ишимни давом эттираман, – деди қиз.

Ўша заҳоти у хонасига ўтди ва шляпасини ҳар доимги жойига илди.

Кимки бу нью-йорклик даллолни биржада иш қизгин пайтда кўрмаган экан, ўзини антропология¹дан билимсиз ҳисоблайверсин. Бу даллолнинг нафақат ҳар бир соати, балки дақиқа ва сонияси ҳисобли эди.

¹ *Антропология* – одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, жисмоний тузилиши ва ирқларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фан.



Бугун ҳам Гарви Макссуэл учун қизгин иш куни. Телеграф аппаратининг лентаси силтаниб айланар, столдаги телефон сурункали қўнғироқлардан чарчаганди. Мижозлар идорага тўда-тўда бўлиб киришар, кимдир қувноқ, кимдир аччиқланиб, яна кимдир эса ҳаяжонланиб, Макссуэл билан тўсиқ орқали гаплашишарди. Почтачилар эшикдан шошганча кириб-чиқишарди. Хизматчилар тўфон вақтидаги матрослар сингари елиб югуришар, Питчер ҳам ғайрат билан ишларди.

Шу куни биржада тўфон, кўчки, бўрон, зилзилалар юз берди, вулқонлар отилди. Барча офатлар мана шу кичиккина идорада рўй берди. Макссуэл стулини деворга суяб қўйди ва тик турганча мижозлар билан ишлай бошлади. У гўё маҳоратли масхарабоздек телеграфдан телефонга, иш столидан эшикка бориб келарди.

Вақт тобора тиғизлашиб бораётган бир пайтда Макссуэлнинг кўзи кутилмаганда туяқуш патли шляпадаги, юзини ҳарир тўр билан тўсиб олган, олтин тусдаги гажак сочли, қундуз мўйнали пальто кийган, кумуш юракча билан тугалланувчи шода-шода маржон таққан қизга тушди. Қизнинг қиёфаси кибрли эди. Бу ҳолатни изоҳлашга Питчер тайёр бўлиб турганди.

– Стенографистлар бюросидан, иш ўрни масаласи бўйича, – деди Питчер.

Максуэл ярим ўгирилиб қаради; унинг қўллари қоғоз ва телеграф ленталари билан банд эди.

– Кимнинг ўрнига? – қошларини чиририб сўради у.

– Ўзимизнинг котиба қиз ўрнига, – деди Питчер. – Ўзингиз кеча янги котиба чақиришимни сўрагандингиз.

– Сиз ақлдан озибсиз, Питчер, – деди Максуэл. – Қандай қилиб сизга бундай буйруқ беришим мумкин? Мисс¹ Лесли бир йилдан бери ўз вазифасини аъло даражада бажариб келяпти. Ўзи хоҳламагунча ўрнига одам олмаймиз. Бизда ҳеч қандай бўш ўрин йўқ, хоним. Бюродагиларга айтиб қўйинг, Питчер, бизга бошқа одам юборишмасин, қайтиб олдимга ҳеч кимни етаклаб келманг!

Маржон такқан қиз стулларга туртиниб, жаҳл билан идорани тарк этди. Питчер қулай фурсат топиб, ҳисобчига «қария»нинг кундан-кунга паришонхотир бўлиб бораётганлигини етказди.

Идорада иш қизигандан-қизиди. Биржада Максуэлнинг мижозларига тегишли

¹ Мисс – инглизларда турмушга чиқмаган қиз.



бўлган йирик суммадаги, турли номлардаги акциялар босиб-янчиларди. Олди-сотди ҳақидаги буйруқлар у ёқдан-бу ёққа қалдирғочдек «учиб юрарди». Макссуэлнинг мансаб курсиси ҳам омонат эди ва у катта қувватли машинадай бор кучи билан ишларди; унинг сўзлари, қарорлари, ҳаракатлари гўё соат механизмидек тез ва аниқ эди. Акция ва ҳужжатлар, қарз ва фондлар, гаров ва ссудалар — бу молия олами. Унда инсоннинг ҳис-туйғуларига ўрин йўқ.

Тушлик вақтига келиб, идорада бирозгина сукунат чўкди.

Максуэл кўлларидаги хат ва шошилинчномалар билан столи олдига келди. У ўнг қулоғига ҳар доимгидек ручкасини қистириб олган, бир тутам хурпайган сочлари пешонасига тушиб турарди. Ойна очиқ эди, чунки у ердан хонага баҳорнинг илиқ нафаси уфурарди.

Деразадан хонага настарин гулининг ёқимли ҳиди анқиди ва даллолни бир зум жойига михлаб қўйди. Негаки, бу ифор мисс Леслига тегишли эди. Бу унга, фақат унгагина тегишли эди.

Қиз Макссуэлнинг ёдига тушди. Биржа олами аҳамиятсиздек бўлиб қолди, гўё.

Котиба эса қўшни хонада, йигирма қадам нарида эди.

– Қасам ичаманки, мен бу ишни қиламан, – деди ярим овозда даллол. – Ҳозироқ ундан сўрайман. Ҳайронман, нега буни аввалроқ ўйлаб кўрмаган эканман-а?!

У котиба қизнинг хонасига отилиб кирди ва унинг столига яқинлашди.

Қиз оҳиста жилмайди. Унинг ёноқлари қизарган, нигоҳи ҳам мулойим ва самимий эди. Макссуэл қизнинг столига тирсақлари билан суянди. Унинг қўлида хали ҳам бир даста қоғоз турар, қуловига ручка қистирилганди.

– Мисс Лесли, – ҳовлиқиб гап бошлади у, – роппа-роса бир дақиқа вақтим бор. Сизга бир нарсани айтишим керак. Менга турмушга чиқинг. Тўғри, шу пайтгача кўнглингизни олишга ҳаракат қилмаганман, лекин сизни чиндан ҳам севаман. Илтимос, тезроқ жавобини айтинг.

– Нималар деяпсиз? – ажабланди қиз. У ўрнидан туриб, кўзларини катта-катта очганча Макссуэлга қаради.

– Сиз мени тушунмадингиз чоғи? – деди Макссуэл. – Менга турмушга чиқишингизни хоҳлайман. Сизни севаман, мисс Лесли. Буни олдинроқ айтмоқчийдим. Ниҳоят,



энди фурсат топдим. Ана, яна мени телефонга чақиришяпти. Питчер, айтинг, кутиб туришсин. Хўш, нима дейсиз, мисс Лесли?

Котиба қиз ўзини жуда ғалати тутди. Аввалига ҳайратдан донг қотди, кўзларидан ёш қуйилди, сўнгра куёш порлагандек жилмайди ва бир қўли билан даллолнинг бўйнидан аста кучоқлади:

– Тушундим, – деди қиз мулойимлик билан. – Бу биржа бутун фикру хаёлингни эгаллаб олибди. Бошида кўрқиб кетдим. Наҳот, ёдингдан кўтарилган бўлса, Гарви? Биз, ахир кеча кеч соат саккизда муюлишдаги Кичик черковда никоҳдан ўтдик-ку!

ЎН ДОЛЛАРЛИКНИНГ ҲИКОЯСИ

Пуллар ҳам гапиришини биласизми? Балки сиз эски ўн долларлик қоғоз пулнинг овози базўр эшитилади, деб ўйларсиз? Хўш, жуда соз. Агар лозим топсангиз, каминанинг таржимаи ҳолини бу қулоғингиз билан эшитиб, нариги қулоғингиздан чиқариб юборишингиз мумкин. Агар кўчада мегафон орқали ёғилаётган Жон Д. чек дафтарчасининг оҳанрабодек наъраси қулоғингизга чалинган бўлса, ютуқ сизники. Фақат шуни унутмангки, баъзида оддий чақа ҳам

киссага ўз-ўзидан тушавермайди. Кейинги сафар баққоллик дўкони сотувчисига кумуш чоракталикни узатишдан аввал бу «хонимча»нинг пешанасига нима деб ёзилганини ўқиб кўринг. Аччиқ пичинг, тўғрими?

Мен — 1901 йили чиқарилган ўн долларлик қоғоз пулман. Мен кабиларни қайсидир танишингизнинг қўлида кўрган бўлишингиз керак. Олд томонимда беш ёки олти миллион америкаликлар томонидан буйвол деб аталувчи америка бизони тасвирланган. Икки ёнимда капитан Люис ҳамда капитан Клеркларнинг бошлари манаман деб турибди. Орқа тарафимнинг ўртасида Озодлик ҳайкалигами, Церерагами ёки Мексин Эллиотгами нархим осилиб турибди. Мен ҳақимда маълумот олиш учун қайта тузатилган низомнинг 3.588- параграфига мурожаат қилишингиз мумкин. Агар мени майдаламоқчи бўлсангиз, Сэм тоға¹ пештахтага сиз учун тўлиқ ўнта муллажирингни ташлайди — албатта, улар кумушми, олтинми, мисми ёки темирми, бунисини билмайман.

Ҳикоямни бироз айқаш-уйқаш гапириб беряпман, мени афв этгайсиз. Афв этасиз-

¹ АҚШнинг жонлантирилган образи.



ми? Ташаккур, кечиришингизни билардим. Ҳатто номсиз оддий купюра ҳам ана шундай хушомадгўйлик қилади, кўнгилни олишга тиришади, тўғрими? Биласизми, биз исқирт пуллар ўз нутқимизга жило бериш имкониятларидан батамом маҳрум этилганмиз. Туфилганимдан буён мени узоқ муддат сақлаб юрган бирон кимсага дуч келмадим. Уларнинг барчаси мени кўлларида ушлаганча, энг яқин озиқ-овқат пештахталарига югуришарди.

Олти ёшимда ғоятда назокатли муносабатларга дуч келдим. Қарз сифатида ўз вақтида қайтарилардим, худди жасадни сўнгги йўлга кузатиб қўювчилардек. Эҳ-ҳе, нималарга хизмат қилмадим! Шундай бўлса-да, бир куни ўз нодонлигимни кўрсатиб қўйдим. Яна кимнинг олдида денг? Эски, дабдаласи чиққан исқирт беш долларликнинг олдида. Биз қассобнинг қапшайган, бадбўй ҳамёнида учрашган эдик.

– Хой, сен хиндулар сардорининг қизи, – дедим, – оҳ-воҳингни бас қил. Ҳалиям тушуниб етмадингми, сени аллақачон муомаладан чиқариб, қайта босиш лозим эди. Аҳволингга қара, ўзинг 1899 йили чиқарилгансан-у, яна нималарга ўхшаб қолибсан.

– Бизонман деб тинимсиз вайсайверасанми? – жавоб қайтарди беш долларлик. – Дўконда ҳаво ҳарорати 85¹дан пастга тушмаган пайтлари кун бўйи пайпоқ ичида ўтирганингда, сениям дабдаланг чиқарди.

– Бундай ҳамён ҳақида эшитмаган эканман, – дедим. – Ким сени у ерга солиб қўйди?

– Сотувчи хотин.

– Нима дегани – сотувчи хотин? – қизиқиб сўрадим.

– Хўжайининг учун олтин даврлар келмагунча буни билолмайсан.

Шу пайт орқамдан Жорж Вашингтоннинг боши тасвирланган икки долларлик овоз берди.

– Оббо, сен-е, бойвучча! Сени мен каби пахта ҳамёнга тикиб қўйишганда, кўрардик аҳволингни. Кун бўйи фабрика чанг-тўзонини ютганингда, нима деб сайрардинг?

Бу суҳбат Нью-Йоркка келганимнинг эртасига бўлиб ўтди. Мени Бруклин банкининг Пенсильваниядаги филиалларидан бири ўзимга ўхшаш ўнталиклар боғламида бу ёққа юборишганди. Ўшандан бери беш

¹ Бу ерда Фаренгейт бўйича ҳаво ҳарорати назарда тутилган.



ва икки долларлик суҳбатдошларим ўтириб чиққан ҳамёнлар билан яқиндан танишолмадим. Мени фақат ипак ҳамёнларда тутиб юришарди.

Менинг омадим чопганди. Бир жойда узоқ туриб қолмасдим. Баъзида бир кунда йигирма марталаб қўлдан-қўлга ўтардим. Менга ҳар бир битимнинг асл моҳияти таниш эди; хўжайинларимнинг ҳар бир хурсандчилиги учун жон куйдирардим. Шанба кунлари пештахта устида сирпанчиқ учардим. Ўн долларликларни доим шунақа қийнашади. Бир ёки икки долларликларни эса икки буклаб секингина барменга узатишади. Аста-секин ҳаммага ёқа бошладим. Баъзида вискига бўкиб қолардим, мартини, манхэттен¹ устимга тўкилавериб кўринмай қолардим. Бир куни кўча бўйлаб аравада кетаётган пул тарқатувчи комбинезонининг чўнтагидаги семиз, яғири чиққан пуллар дастасига мени кўшиб қўйди. Модомики, универмаг хўжайини — бўлажак хошам — кунига саккиз цент ишлатиб, итларга мўлжалланган гўшт ва пиёзга қаноат қиларкан, мен, тамом бўлдим, деб ўйладим. Бироқ кейинроқ қутулиб

¹ Виски, мартини, манхэттен — шароб турлари.

қолдим — пул тарқатувчи аравасини чор-
раҳага жуда яқин жойда тўхтатиб хато-
га йўл қўйганди. Мени қутқариб қолган
полициячидан ҳозиргача миннатдорман.
У мени Бауэр яқинидаги тамаки пештах-
тасида майдалади. Қўшни хонада қимор
ўйналаётганди. Ўша кеча омади юришган
полиция участкаси бошлиғи мени ёруғликка
олиб чиқди. Кундузи у Бродвейдаги ре-
сторанда менинг ҳисобимдан овқатланди.
Мен кадрдон шахримга қайтиб келганим-
дан бениҳоя хурсанд эдим.

Бродвейда мендек ўнталиқнинг бош
қашишга вақти бўлмасди. Қайсидир бир
куни мени нафақа деб аташди. Бир та-
лай ўн центликлар ётган замш ҳамёнга
солиб қўйишди. Бу ўн центлик чақалар
Осинингдаги қайноқ ёз мавсумини қандай
ўтказганликлари ҳақида оғиз кўпиртириб
валдирашарди. Хўжайиннинг қизлари
уларни бирин-кетин музқаймоққа сарф-
лашганди.

Ифлос пуллар ҳақида илк бор хуш-
сурат йигит — аллақандай Ван мени бир
неча дугоналаримни бир ҳовуч фишка¹га
алмаштирганда эшитгандим.

¹ *Фишка* — турли ўйинларда ютукни ҳисоблаш
учун ишлатиладиган тош, соққа ва ш. к.

Ярим тунга яқин ҳозиргина устама пулга эга бўлган дўмбоқ юзли, қисик кўз, кўпол ва барваста йигит менга қўшиб бир қанча банкнот¹ларни рулон қилиб ўради.

– Ҳисобимга беш юзни ёзиб қўй, – деди у банкометга, – ҳаммасидан кўз-қулоқ бўлиб тур, Чарли. Водийни ой ёруғида бир айланиб келай. Агар бизникилардан бирортаси қовун тушириб қўйса, ёдингда бўлсин, тепада сейфнинг ичида ҳажвий журналга ўралган олтмиш минг долларим ётибди. Яна бировга оғзингдан гуллаб юрма. Ҳозирча хайр.

Мен иккита йигирматаликнинг ўртасига тушиб қолгандим. Улардан бири менга шундай деди:

– Эй, сен, кампиршо, омадинг бор экан. Баъзи бир қизиқарли нарсаларни кўрасан. Бугун Қария Жек бутун бир «Бифштекс»ни қиймалаб ташламоқчи.

– Тушунтириброқ гапиринглар, – дедим. – Бу жуда ҳам қизиқ туюляпти, бироқ мени пазандачиликка унчалик укувим йўқ.

– Афв этасиз, – жавоб берди йигирматалик. – Қария Жек — мана шу қи-

¹ *Банкнот* — банк томонидан чиқариладиган ва пул ўрнида юрадиган фоизсиз кредит чиптаси.

морхонанинг хўжайини. Бугун у орқа-олдини ўйламай жанжал чиқаради: гап шундаки, у черковга эллик минг эҳсон қилмоқчийди, лекин уни рад этишди, чунки бу пуллар ҳаром эмиш.

– Черков деганларинг нимаси? – сўрадим.

– Э-э, ўнталик билан гаплашаётганимни унутибман, – деди йигирматалик. – Қаердан ҳам буни билардинг! Сиз ўнталиклар черков учун кўплик қиласизлар, бозор учун жуда ҳам майдасизлар. Черков — бу шундай катта уйки, у ерда перотозалагич ва салфетканинг донаси йигирма доллардан сотилади.

Бу хонимлар билан гап сотиб ўтиргим келмади. Сукут олтинга тенг. Қолаверса, ялтираётганларнинг ҳаммаси ҳам олтин эмас-ку.

Лекин Қария Жек, ҳақиқатдан ҳам, тилла йигит эди. Сахийлик қилиш вақти келганда у официантни полициячининг ортидан югуришга мажбур қилмасди.

Аста-секин, Жек сувсиз саҳрода барча чанқоқлар учун тошдан сув чиқаряпти, деган миш-миш тарқалди ва темир муштли, силовсин терисини ёпинган азаматлар изимизга тушишди. Ҳаёт эмас, нақ Жунг-



лининг Учинчи Китоби¹ — фақат муқова етишмаяпти. Қария Жекнинг пуллари эскирган бўлса-да, унинг ҳисоби дақиқа сайин кўпаярди. Дастлаб унинг атрофига ошналари йиғилди; кейин салом-алик қилиб юрадиган дўстлари кўшилди; кейин душманларидан кимдир тинчлик трубкасини тутатди; охирида у кўплаб балиқчи аёл ва раққосаларга совғалар сотиб олди, оқибатда, метрдотел²лар телефонга югуришиб, полициядан тартиб ўрнатиш учун бирортасини жўнатишларини ўтиниб сўрашди.

Ниҳоят, биз мен жуда кўп қўнган қаҳвахонага кириб келдик. Оқ пешбанд ва куртқадаги юкчилар иттифоқи остонада бизларга кўзи тушгач, бу футбол жамоасининг энг катта «мушти йўғони» буйруқ берди ва уларнинг барчаси ҳимоя ниқобларини кийишди. Аммо Қария Жек бу кеча мебель ва ойна фабрикаси хизматини «тақдирлаш» ниятида эмасди. У жим ўтириб, маъюсгина «Сайр» қўшиғини хиргойи қиларди. Черков унинг хайр-

¹ Бу ерда инглиз адиби Редьярд Киплингнинг «Жунглининг иккинчи китоби» асарига шама қилинмоқда.

² *Метрдотель* — бош официант (ресторанларда); бош мезбон (меҳмонхоналарда).

эҳсонини қабул этмагани иззат-нафсига тегиб кетганди.

Шундай бўлса-да, айш-ишрат давом этаверди.

Қария Жек ҳаммага яна биттадан стаканда «шайтоннинг суви»дан буюртириб, қўшнимни тўлов сифатида бериб юборди. Мен бир даста хонимларнинг устига чиқиб қолдим. Жек боғламни столга қўйиб, қовоқхона хўжайнига узатди.

– Майк, – деди у, – бу пуллардан яхши одамлар воз кечишди. Олинг, иблис ҳаққи, тофорангиз учун. Айтишдики, бу пуллар ҳаром эмиш.

– Хўп, оламан, – деди Майк. – Уларни черков бозорида роҳибнинг қизи ҳадя этган бўса учун тўланган банкнотларга қўшиб қўяман. Пулларни роҳибнинг қизига, янаги ташрифигача, унга атаб уй қуришга сарфлаймиз.

Тунги соат бирда, юкчилар қовоқхонага янги келганлар оқимидан ажралиб туриш учун тўпланишганда, кутилмаганда эшикдан қандайдир аёл шошиб кириб келди ва Қария Жекнинг столига яқинлашди. Сиз, шубҳасиз, бунақаларни учратгансиз – қора шолрўмол, таралмаган чигал соч, ситилган юбка, рангпар юз, қисқаси, гоҳ автомобилдан, гоҳ патрулдан хавфсираб,



аланглаб юрадиган аёллардан бири. Хуллас, шу хотин чурқ этмай, ёнимизга келиб тўхтади ва пулларга қаради.

Қария Жек ўрнидан туриб, мени боғламдан ажратди-да, таъзим билан аёлга узатди.

– Хоним, – деди актёрлардек, – мана, ифлос купюра. Мен қиморбозман. Бу пул бугун олийҳиммат оиладан чиққан бир ўсмирдан менга ўтди. Уни қандай қўлга киритган, билмайман. Агар бу пулни қабул қилсангиз, у сизники.

– Сэр, – деди аёл, – бу пуллар босмадан чиққандаёқ мен уларнинг мингтасини бир даста қилиб санаб тахлаганман. Мен газнахонада ишлаганман. Газнахонадаги бир хизматчи мени у ерга жойлаштириб қўйган. Ҳозир буларни ифлос деяпсиз. Агар билсангиз эди... лекин мен ҳеч нарса айтмайман. Чин юракдан раҳмат сизга, сэр, ташаккур... миннатдорман.

Аёл мени қаерга олиб кетди деб ўйлайсиз. Нон дўконига. Биргаликда чақчақлашиб майхўрлик қилган Қария Жекдан нон дўконига! Аёл дўконда мени турбина¹ ғилдирагидек келадиган маза-ли рулетга алмашди. Аёлни шу ернинг

¹ Сув, буғ, газ кучи билан ишлайдиган мотор.

ўзидаёқ назардан қочирдим, нонвойхонадан чиқаётган оппоқ чангга кўмилиб қолгандим. Ўйланиб қолдим: эртага мени қаердадир майдалашади — дорихонадами ёки қурилиш идорасидами? Бир ҳафтадан сўнг нонвой хув, ўша аёлга қайтим сифатида берган долларчалардан бирига дуч келдим.

— Салом, E-35039669, — дедим. — Ўтган шанба мендан қайтим сифатида берилганларданмасмисиз?

— Худди шундай, — жавоб берди у яккахон нотиклик ҳамда оксуякларга хослик ила.

— Кейин нималар бўлди? — деб сўрадим.

— E-17051431ни ўша хотин сут ва бифштексга сарфлади, — жавоб берди юз центлик. — Мени эса квартира тўловини йиғувчи келмагунча ушлаб туришди. Хотиннинг уйи — ҳақиқий овлоқ жой, ичкарида бемор болакай ётарди. Болакайнинг нон билан пирогга ташланганини кўрсангиз эди! Афтидан, очдан ўлаёзганди. Кейин онахон ибодат қила бошлади. Сиз, ўнталиклар, бизнинг олдимизда кеккайманглар. Сизлар бир мартаба эшитган дуоларни биз ўн марталаб эштамиз. У «Кимки бева-бечораларга



хайр-эхсон қилса», деб дуо қиларди. Э, қўйинг, шу харобазорлар хақида гаплашмайлик. Қашшоқлар орасида ўралашиш меъдамга тегди. Сизлар — ифлос пуллар муомалада бўладиган доирага кириш учун чандон йириклашишга жон берардим.

— Бас қил, — дедим. — Бунақалар йўқ. Мен ўша дуони охиригача биламан. «У Худо олдидаги фарзини бажаради» дейилади давомида. Энди эса белимга қараб, ўқиб кўр-чи, нима деб ёзилган экан?

— «Барча давлат ва хусусий қарзларни тўлашда ўз қийматида қабул қилиниши шарт».

— Ха, ана. Етар. — дедим. — Ифлос пуллар тўғрисидаги сафсаталар жонимдан тўйдирди.

ШЕРИКЛАР

Таксондан фарбга томон йигирма мил узоқликда «Кечки экспресс¹» сув тўлдириш учун тўхтади. Экспресс сувдан ташқари яна қандайдир хавфли нарсани ҳам ортиб олди.

Ўт ёқувчи шлангни узаётган пайт Боб Тидбол, «Наҳанг» Додсон ҳамда Жон Катта Кўппак лақабли ҳинду-метис па-

¹ Тезюарар поезд.

ровозга сакраб чиқишиб, машинистга қурол ўқталишди. Машинист беихтиёр қўлларини юқорига кўтариб, «Ё Худо! Бўлиши мумкин эмас!» дея ҳайқириб юборди. Қароқчилар бошлиғи Наҳанг Додсоннинг қисқа буйруғи остида машинист пастга тушиб, паровозни тендер¹дан узди. Шундан кейин Жон Катта Кўппак кўмир уюми устига чиқиб, машинист ва ўт ёқувчига револьверини кўрсатиб, паровозни эшелондан эллик ярд² нарига олиб боришни ва кейинги буйруқни кутиш ҳақида кўрсатма берди.

Наҳанг Додсон ва Боб Тидбол шовқинсуронда «бечора» олтинларни қўлдан чиқармасликка аҳд қилишди. Улар тўппа-тўғри бойлик тўла почта-вагонга йўналишди. Вагон назоратчисини эса ғафлатда қолдиришди — у «Кечки экспресс» тоза сувдан бўлак бошқа хавфли нарса олмаётганига амин эди. Боб Тидбол унинг миясидан бу «аҳмоқона» фикрни олтига ўқли тўппонча дастаси билан чиқариб ташлагунча Наҳанг Додсон вақтни қўлдан бой бермай, почта-вагондаги сейфнинг тагига динамит ўрнатди.

¹ *Тендер* — бевосита локомотивга тиркаладиган, сув ҳамда ёнилғи сақланадиган вагон.

² *Ярд* — 91,44 см.



Сейф портлаб, ичидан ўттиз минг долларли олтин ва кредитлар чикди. Йўловчилар қаерда момақалди роқ гум-бурлаганини билиш учун хали у ойнадан, хали бу ойнадан бошларини чиқаришарди. Катта назоратчи қўнғироқ ипидан ушлаб шовқин солмоқчи бўлди, лекин у ҳам ҳеч қанақа қаршилиқ кўрсатолмай, турган жойида қотиб қолди. Наҳанг Додсон ва Боб Тидбол ўлжани пишиқ брезент тўрвага солишиб, пастга сакрашди ва паровозга қараб югуришди.

Машинист хўмрайганча уларнинг буйруғи бўйича паровозни ҳаракатсиз турган эшелондан нарига хайдаб борди. Аммо бунгача почта вағони назоратчиси ҳушига келиб, қўлида винчестер¹ билан темир йўл кўтармасида пайдо бўлди ва у ҳам фаол «ўйин»га қўшилди. Тендердаги кўмир уюми устида ўтирган Жон Катта Кўппак ўзини ўқ ёмғири остига ташлаб, хатога йўл қўйди; назоратчи уни «кузир» билан тузлади. Катта йўлнинг «рицар»и икки курагининг ўртасидан ўқ еб, ерга қулади. Шундай қилиб, шерикларининг ўлжадан олишадиган улушлари 6/1 га қўпайди.

¹ Ов милтигининг бир тури.

Сув чиқарувчи насослар ўрнатилган бинодан икки чақирим нарида машинистга тўхташ буюрилганди. Босқинчилар у билан хайрлашгандай қўлларини силкишиб, тик ёнбағирдан пастга сирпанишиб, қуюқ чакалакзор ичига ғойиб бўлишди. Беш дақиқадан сўнг ўрмон ичидаги ялангликда пайдо бўлишди. Бу ерда дарахтларга учта от боғлаб қўйилганди. Жон Катта Кўпшакни кутиб туриш учун энди на кундузи, на кечаси чопа оларди. Эгар-жабдукни ечишиб, отни қўйиб юборишди. Тўрвани эгар қошига ортишиб, қолган иккитасига ўзлари минишди. Атрофни кўздан кечирганча, аввал ўрмон, кейин ёввойи дарадан от чоптиришди. Йўлда Боб Тидболнинг оти харсангтошга қоқиниб кетиб, олдинги оёғини синдириб олди. Босқинчилар уни шу ернинг ўзидаёқ отиб ташлашди. Кейин маслаҳатлашишга ўтиришди. Узоқ йўл босиб, улар ҳозирча хавф-хатардан холи эдилар — ҳали вақт бор, шошилмаса ҳам бўлаверади. Узоқ чақирим ва бир неча соатлар уларни катта қувғиндан айириб турарди. Наҳанг Додсоннинг оти юганни ерга судраб, сой бўйида ўт чимдирди. Боб Тидбол тўрванинг оғзини ечиб, ёш боладай тиржайганча, ичидан бир даста



яп-янги кредит ва кичкина халтачада олтинларни олди.

– Менга қара, қари қароқчи, – қувноқлик билан мурожаат қилди у Додсонга, – сен ҳақ бўлиб чиқдинг, иш ўнгидан келди. Калланг ҳам молия вазириникидекми дейман. Аризонада кимга бўлсин олдиндан юз очко бероласан.

– От масаласини нима киламиз, Боб? Бу ерда узоқ қололмаймиз. Улар тонг отмасидан изимизга тушишади.

– Ҳозирча сени Боливаринг икки кишини кўтаролади, – жавоб берди Боб хушчақчақлик билан. – Биринчи учраган отниёқ қўлга оламиз. Жин урсин, яхшигина ов бўлди-а? Агар қоғозда ёзилганига ишонадиган бўлсак, бу ерда ўттиз минг бор – ҳар биримизга ўн беш мингдан.

– Кўпроқдан тегади деб ўйловдим, – Наҳанг Додсон этигининг учи билан бир даста пулларни аста тўртди. Кейин ҳолдан тойган отининг терлаган яғринига ўйчан нигоҳ ташлади.

– Кекса Боливар деярли кучдан қолди, – деди у. – Сени тўригинг оёғини синдириб олгани чакки бўлди-да.

– Нимасини айтасан, – деди кўнгилчанлик билан Боб, – қўлимиздан ҳеч

нарса келмайди. Боливаринг ҳали бақувват, қаерга бўлса, олиб боради. У ерда эса отларни алмаштирамиз. Э, қуриб кетсин. Сени Шарқ томонлардан эканлигинг кулгили, бу ерларда бегонасан. Мана биз бўлсак, Фарбда — ўз уйимиздамиз. Биз сени босган изингга ҳам арзимаймиз. Ўзи қайси штатдансан?

— Нью-Йоркдан, — жавоб берди Наҳанг Додсон харсангтошга ўтирволиб, новда чайнаганча. — Олстер округидаги фермада туғилганман. Ўн етти ёшимда уйдан қочиб кетдим. Фарбга тасодифан келиб қолдим. Қўлда тугун билан йўлда кетавердим, Нью-Йоркка қайтмоқчийдим. Она шахримга бориб, пул топаман деб ўйловдим. «Мен шунинг учун туғилганман» — менга доимо шундай туюларди. Чорраҳага етиб бориб, қаёққа юришни билмай туриб қолдим. Нима қилишни билмай, ярим соат ўйландим. Кейин йўлимни чапга бурдим. Кечга бориб циркчи-ковбойларни учратдим. Уларга қўшилиб Фарбга келдим. Кўпинча ўйлаб қоламан, агар бошқа йўлни танлаганимда, нима бўларди.

— Менимча, бошқа йўлни танлаганимда ҳам шу ҳолга тушардинг, — деди фай-

ласуфона Боб Тидбол. – Гап танлаётган йўлимизда эмас; ичимиздаги бизни йўл танлашга ундайди.

Наҳанг Додсон ўрнидан туриб, дарахтга суянди.

– Тўрифинг оёғини синдириб олганига жуда ҳам ичим ачияпти, Боб, – такрорлади у.

– Ўзимниям, – деди Боб, – яхши от эди. Ҳа, майли, Боливар бор-ку. Энди жилсак ҳам бўлаверади. Ҳозир, манавиларни жойига қайтариб солволай, кейин йўлга чиқамиз; балиқ чуқурроққа, одам яхшироққа интилади.

Боб Тидбол ўлжани тўрвага жойлаб, оғзини маҳкам боғлади. Бошини кўтаргани, ўзига қаратилган Наҳанг Додсоннинг қўлидаги қирқ бешинчи калибрли тўппончанинг оғзига кўзи тушди.

– Қўйсанг-чи ҳазилингни, – деди ишшайиб Боб. – Шошилиш керак.

– Жойингдан қимирлама! – деди Наҳанг. – Шу ердан ҳеч қаёққа жилмайсан, Боб. Менга буни айтиш қийин, лекин жой фақат бир кишилик. Боливар чарчади, икки кишини кўтаролмайди.

– Биз сен билан нақ уч йилдан бери оғайнимиз, Наҳанг Додсон, – деди хотиржам Боб. – Биргаликда жонимизни

биринчи марта хатарга қўяётганимиз йўқ. Сенга нисбатан доим тўғри бўлганман. Сени одам деб ўйловдим. Сен ҳақингда, икки кишини бекордан-бекорга ўлдирган, деб эшитганимда ҳам ишонмагандим. Агар ҳазиллашаётган бўлсанг, Наҳанг, қуролингни тушир, тезроқ қочайлик. Аммо отгинг келаётган бўлса, от, ичи қора, қани, от, разил!

Наҳанг Додсоннинг юзи ғамгин тус олди.

– Сен ишонмайсан, Боб, – хўрсинди у, – тўрифинг оёғини синдириб олганига қанчалик ачинаётганимни.

Унинг юзи зумда ўзгарди — энди ундан совуққонлик ва очкўзлик «уфуриб» турарди. Бу одамнинг қалби бир онга баъзида катта идора деразасида кўринадиган нобакорнинг башарасига ўхшаб кетди.

Аслида, Боб жойидан қимирламаслиги лозим эди. Хоин дўстнинг ўқ отгани эшитилди ва даранинг тош деворлари дарғазаб акс-садо билан жавоб қайтарди.

Жиноятчининг мажбурий шериги — Боливар — «Кечки экспресс»ни тунаган тўданинг охиргисини учириб олиб кетди.

Аммо Наҳанг Додсон ўрмонда от чоптириб кетаётганда олдидаги дарахтлар туманга, қўлидаги револьвер эмандан



ясалган оромкурси тутқичига айланди, эгарнинг жилди эса қандайдир ғалати эди; кўзини очиб, оёқлари узангига эмас, ёзув столининг оёғига тиралаётганини кўрди.

Айтганимдек, «Додсон ва Деккер» даллоллик идораси бошлиғи Додсон кўзини очди. Оромкурси ёнида ишончли ходим Пибоди жим турарди. Дераза тагидан ғилдиракларнинг физиллагани эшитилар, электр вентилятор аллалагандай ғинғилларди.

– Ихм! Пибоди, – деди кўзини қисиб Додсон. – Кўзим илинибди. Аломат туш кўрибман. Нима гап, Пибоди?

– «Треси ва Уильямс»дан келган жаноб Уильямс сизни кутяпти, сэр. Икс, Игрек, Зет учун хисоб-китоб қилгани келибди. Ёдингизда бўлса, шулар билан қўлга тушганди.

– Ҳа, ёдимда. Ҳозир уларнинг баҳоси қанақа?

– Биру саксон беш, сэр.

– Шу нархда келишаверинг.

– Маъзур тутинг, сэр, – деди Пибоди саросималаниб, – Уильямс билан гаплашдим. У эски ошнангиз, жаноб Додсон, сиз, ахир, Икс, Игрек, Зетнинг бори-ни сотиб олгансиз. Менимча, сиз, яъни... балки эслолмассиз, Уильямс уларни сизга

тўқсон саккиздан сотган. Агар у ҳозирги баҳода ҳисоблашадиган бўлса, бутун сармоясидан айрилиши, уйини сотиши керак бўлади.

Додсоннинг юзи зумда ўзгарди — энди ундан совуққонлик ва очкўзлик «уфуриб» турарди. Бу одамнинг қалби бир онга баъзида катта идора деразасидан кўринадиган нобакорнинг афтига ўхшаб кетди.

— Биру саксон бешдан тўласин, — деди Додсон. — Боливар икки кишини кўтаролмайди.

КИШАНЛАНГАН «ҚЎЛЛАР»

Денверда Балтимор йўналишидаги экспрессга йўловчилар бир-бирига навбат бермай, шошилганча чиқишарди. Одатдаги шинам вагонларнинг бирига нозик дид билан кийинган, хушрўйгина қиз ҳам жойлашди. Эндигина поездга ўтирганлар орасида иккита ёш йигит ҳам бўлиб, бири — келишган, дадил, очиқ юзли; иккинчиси — нимадандир ташвишланаётгани юзидан билиниб турган, бадқовоқ, бесўнақай, оддий кийимда эди. Бирининг ўнг қўли иккинчисининг чап билагига кишанланган ҳолда турарди.



Икковлон соҳибжамолнинг рўпарасидаги бўш ўриндиқларга чўкмагунларича вагон бўйлаб юришди. Ажралмас дўстлар қизнинг рўпарасига, поезд йўналишига қарама-қарши тарзда ўтиришди. Қизнинг ётсираган, лоқайд нигоҳи улар томонга сирғалди, бирдан унинг чехрасида гўзал табассум жилваланди, юмалоқ ёноқларига қизиллик югурди, кулранг қўлқопдаги нозиккина қўлини олдинга чўзди. Унинг ёқимли ва қатъий овози кишини ўзига ром қилар ва барча уни жимгина тингларди, қиз ҳам бунга одатланиб қолганди.

– Хўш, жаноб Истон, рухсатингиз билан биринчи бўлиб сўз бошласам. Агар сиз эски дўстларингизни Фарб томонларда учратиб қолсангиз, уларни атай танимаганликка оласизми?

Унинг бу гапидан йигитларнинг ёшроғи сесканиб тушди, саросимадан бир зум қотиб қолди, бироқ ўша заҳоти ўзини қўлга олди ва қизнинг қўлини чап қўли билан ушлаб сўрашди.

– Қандай танимай, – деди у тиржайиб. – Мисс Ферчайлд! Чап қўлим билан сўрашаётганим учун маъзур тутинг, ўнг қўлим айни дамда банд.

У ҳамроҳининг чап билагига ажойиб «билагузук» билан кишанланган ўнг

қўлини салгина кўтариб қўйди. Қизнинг кўзларидаги қувонч кучли хайрат билан алмашди. Ёноқларидаги қизиллик ҳам қочди. Лаблари пирпираб кетди. Истон қизиқ ҳолатни кўргандай мийиғида кулиб қўйди, энди гап бошламоқчи эди, шериги унинг сўзини оғзидан олди. Шу пайтгача бадқовоқ йўловчининг ўткир, зийрак кўзлари қизнинг юз ифодасини зимдан кузатиб келарди.

– Афв этасиз, мисс, кўриб турибманки, сиз шериф билан таниш экансиз. Балки, ундан қамоқхонага етиб борганимизда мен учун енгиллик беришларини сўраб кўрарсиз. У илтимосингизни рад этмайди. Ахир, у мени Ливенуорд қамоғига олиб кетяпти. Етти йилга, фирибгарлик учун.

– Ҳа, гап бу ёқда экан-да! – деди қиз чуқур тин олиб, унинг юзи бироз қизарди. – Мана, нималар билан машғул экансиз! Шериф бўлибсиз-да?

– Мисс Ферчайлд, азизам, нимадир қилишим керак-ку, – деди Истон хотиржам. – Пулларни ҳавога совуриш жуда ҳам осон. Вашингтонда сиз ва мен кибиларни ақчасиз бирор нимага эришиши даргумон. Фарбда шундай тасодифлар юз берди-ки, мана, мен бу ерда... албатта,



оддий шериф учун булар... эҳ-хе... лекин, ҳар ҳолда...

– Бунинг бизга кераги ҳам йўқ, – тезда жавоб қайтарди қиз. – Буларни билишингиз керак эди. Демак, энди сиз Ёввойи Фарбнинг чинакам қаҳрамонисиз, от чоптирасиз, ўқ узасиз ва ҳар бир қадамда сизни хавф-хатар кутиб ётади. Ҳа, Вашингтонда ҳаёт ўзгача. Эски танишлар орасида фақат сиз етишмаяпсиз.

Қиз яна сеҳрлангандек ярқираётган кишанга тикилди.

– Сиз бу кишанлар ҳақида ўйламай қўя қолинг, мисс, – деди Истоннинг ҳамроҳи. – Шерифлар доим ҳибсга олинганларни қочиб кетмасликлари учун ўзлари билан кишанлаб юришади. Мистер Истон ўз ишининг устаси.

– Вашингтонга қачон қайтасиз? – сўради қиз.

– Тез орада эмас деб қўрқаман, – деди Истон. – Кўриб турибсизки, беташвиш ҳаёт мен учун тугади.

– Фарб менга жуда ёқади, – деди қиз. Унинг кўзлари мулоғим йилтиради. Қиз нигоҳини вагон ойнасига қаратди. У тўғридан-тўғри, содда ва равон оҳангда сўзлай бошлади. – Бу ёзни ойим билан Денверда ўтказдик. Бир ҳафта аввал

ойим уйга қайтиб кетди, чунки отамнинг товлари қочиб қолди. Фарбда маза қилиб яшашим мумкин эди. Менимча, бу ернинг ҳавоси соғлиқ учун жуда фойдали. Қолаверса, баъзи одамлар шунчалик аҳмоқки, улар ногўғри ўйлашади...

– Қулоқ солинг, бу инсофдан эмас, шериф, – тўнғиллади маҳбус. – Томоғим қуриб кетди, бунинг устига, эрталабдан бери чекким келяпти. Наҳот, суҳбатларинг ҳали-бери тугамайди. Мени чекувчилар вагонига олиб ўтсангиз бўларди. Тамаки-сиз ўлиб қоламан.

Бир-бирига кишанланган ҳамроҳлар ўринларидан туришди. Истоннинг юзида аввалгидек енгил табассум пайдо бўлди.

– Бундай илтимосни рад этиш гуноҳ, – деди Истон бепарво. – Барча нарсадан маҳрум бўлганлар учун тамакидан яхши дўст топилмайди. Кўришгунча, мисс Ферчайлд. Нимаям қилардик, хизматчилик.

У хайрлашиш учун қўлини узатди.

– Афсус, йўлингиз Шарқ томонга эмас экан, – деди қиз мулоғимлик билан. – Лекин, сиз, албатта, Ливенуортга боришингиз шартми?

– Ҳа, – деди Истон, – боришим шарт.

Икковлон елкадош бўлиб кашандалар вагонига ўта бошлашди.



Орқа ўриндиқдаги икки йўловчи суҳбатни деярли бошдан-оёқ эшитиб ўтиришарди. Улардан бири шундай деди:

– Бу шериф жуда самимий экан. Бу ерларда — Фарбда яхши одамларни кўплаб учратиш мумкин.

– Бундай лавозим учун ёшлиқ қилмасмикан? — сўради иккинчиси.

– Нима учун ёшлиқ қиларкан? — овозини баландлатди шериги. — Менимча... Тўхтанг, сиз наҳот тушунмадингиз? Ўзингиз ўйлаб кўринг, қайси шериф маҳбусни ўзининг ўнг қўлига кишанлайди?

МУЪЖИЗАВИЙ КУЛЧАЛАР

Марта Мичем хоним муюлишдаги кичкина нон дўконига эгалик қиларди (худди ўша, зина бўйлаб пастга тушиб, эшикни очганингизда қўнғироқчалари жиринглайдиган дўкон).

Марта хоним қирққа кирган, банкдаги ҳисобида икки минг доллар ётарди. Иккита тиши ясама, ҳиссиётга берилувчан эди. Марта хонимдек бундай имкониятларга эга бўлган аёлларнинг кўпчилиги эрга теккан бўларди.

Дўконга ҳафтасига икки-уч бор бир миждоз ташриф буюра бошладики, Мар-

та хонимда унга нисбатан озми-кўпми қизиқиш уйғонди. Бу ўрта ёшлардаги кўзойнак таққан, қора чўққи соқоли чиройли текисланган киши эди.

У инглиз тилида кучли немис талаффузи билан гапирарди. Эғнидаги эскирган, дазмол тегмаган, ямоқ тушган костюми рўдапога ўхшаб қолганди. Шундай бўлса-да, унинг кўриниши озода, асосийси эса хушмуомала эди.

Бу мижоз ҳар сафар икки дона қотган кулча сотиб оларди. Янги кулчаларнинг донаси беш цент турарди. Қотганлари эса икки ярим цент. У бирон марта бошқа нарса сотиб олмасди.

Бир куни Марта хонимнинг кўзи унинг бармоқларидаги қизил ва жигарранг бўёқ изларига тушди. Шунда Марта хоним уни рассом ва чор-ночор яшайди деб ўйлади. Бирор ерда чордоқда яшаб, қотган кулчалар билан қорин тўйғизса керак. Марта хонимнинг дўқонидаги мазали егуликлар ҳақида ҳам орзу қилса керак.

Марта хоним тўқмоқланган бузоқ гўшти, ёғли ширин кулча, мураббо ва чойдан иборат нонуштасига ўтираркан, кўпинча хўрсинар ва бу хушмуомала рассом Марта хоним билан мазали таомлар-



дан тановул қилиш ўрнига ўзининг ел-визак кириб турадиган чордоғида қотган нонларни кемириб ўтирганини ўйлаб, эзиларди. Аввал айтганимиздек, Марта хоним ҳиссиётга берилувчан, кўнгли бўш эди.

Бу мижозининг касби ҳақидаги тахминини текшириб кўриш учун Марта хоним қачонлардир кимошди савдосида сотиб олинган суратни орқа тарафдаги хонадан дўконга олиб чиқиб, пештахта ортидаги токчага ўрнатиб кўйди.

Суратда Венеция табиатининг кичик саҳнаси тасвирланганди: энг кўзга ташланарли ерида серҳашам, мрамарли сарой қад кўтариб турарди (агар сурат тагидаги ёзувлар алдамаётган бўлса). Қолган жойлар гондола¹лар (уларнинг бирида бир хоним кўли билан сув ўйнаб ўтирарди), булутлар, осмон ва оқиш-қорамтир бўёқлар билан тўлдирилганди. Ҳеч бир рассом бундай сурат ёнидан безътибор ўтолмасди.

Икки кундан сўнг эски мижозимиз дўконга кирди.

— Марҳамат қилиб, иккита қотган кулча берсангиз.

¹ Венеция қайиғи.

Марта хоним кулчаларни қоғозга ўраётганида у шундай деди:

– Жуда ҳам чиройли сурат экан, хоним.

– Ростданми? – деди Марта хоним айёрона, гўё ажаблангандай. – Мен санъатни ва... («ва рассомларни» дейишга ҳали эрта эмасми?) – муносиброқ сўз топиб, гапини тугатди: – ... ва рассомчиликни севаман. Сизга сурат ёқдими?

– Ижодкор нотўғри ишлаган, – жавоб берди мижоз. – Манзара нотўғри чизилган. Кўришгунча, хоним.

У кулчаларни олиб, таъзим қилди ва шошиб кўчага чикди.

Ҳа, шубҳага ўрин йўқ, у рассом. Марта хоним суратни орқа тарафдаги хонага қайтариб олиб кириб қўйди.

Кўзойнак ортидан нур сочиб турган кўзлар! Кенг манглайини айтмайсизми! Бир қарашдаёқ манзарани тушунишу қотган кулчалар билан кун кўриш! Даҳолар, дунё уларни тан олмасидан аввал кўпинча яшаш учун курашишларига тўғри келади.

Агар шундай даҳо банкда ётган икки минг доллар билан қўллаб-қувватланса борми, санъат қандай гуллаб-яшнардия...



Орзуни ҳақиқатга айлантирмоқчимисиз, Марта хоним?

Эндиликда дўконга кирган мижозимиз бека билан бирпас гаплашиб туриш учун пештахта олдида озми-кўпми ушла-ниб қоларди. Афтидан, Марта хонимнинг очиқ кўнгиллилиги унга ёқиб қолганди.

У ҳамон қотган кулча сотиб оларди. Қотган кулчадан бошқа нарса сотиб олмасди, на пирог, на сомса, на мазали кумоқ печенье.

Марта хонимга сўнгги пайтларда у озиб қолгандек ва қандайдир ғамгин бўлиб туюлди. Марта хоним унинг ночор харидига бирон мазали нарса қўшгиси келар, лекин ҳар сафар бунга журъати етмасди. Марта хоним уни хафа қилишни истамасди. Ахир, бу рассомлар жуда ғурурли.

Марта хоним пештахта ортида майда хол-хол оқ, ҳаворанг гулли шойи кўйлакда пайдо бўла бошлади. Дўкон ортидаги хонада беҳи уруғи қўшилган қандайдир сирли аралашма тайёрлади. Кўпчилик бундан терини оқартириш учун фойдаланади.

Кунларнинг бирида эски мижозимиз дўконга кириб, пештахтага одатдагидек беш центни ташлади ва ҳар доимги қотган кулчаларини сўради. Марта хоним энди-

гина қўлини токчага узатган эди ҳамки, бирдан кўчада сирена чинқирғи, филди-ракнинг физиллагани эшитилди ва дўкон олдидан ўт ўчириш машинаси ўтиб кетди.

Мижоз эшикка отилди, унинг ўрнида бошқаси ҳам шундай қилган бўларди. Хаёлидан ажойиб фикр ўтган Марта хоним бу вазиятдан фойдаланиб қолди.

Пештахта тагидаги энг пастки токчада ўн дақиқа илгари сут сотувчи олиб келган бир қадоқ сариёғ яшириб қўйилганди. Марта хоним кулчаларни пичоқ билан иккига бўлди, ҳар бирининг орасига катта-катта сариёғ бўлакларини солди-да, кулчаларнинг устки ва остки қисмларини яхшилаб бир-бирига жипслаштирди.

Мижоз эшик олдидан қайтиб келганда Марта хоним аллақачон кулчаларни қоғозга ўраётганди.

Қисқагина, бироқ ёқимли гурунждан сўнг, у кетди. Гарчи Марта хонимнинг юраги ҳовлиқиб дукурлаётган бўлса-да, жимгина табассум қилди.

Балки, Марта хоним ўзига ортиқча эрк бериб юборгандир. У хафа бўлиб қолса-чи? Йўғ-е, хафа бўлмаса керагов! Сариёғ қўшиб бергани билан ножўя иш қилгани йўқ-ку!



Ўша куни Марта хоним шуларнинг ҳаммаси хақида ўйлади. Марта хонимнинг кичкинагина айёрлигини қандай сезиб қолишини кўз олдига келтирди.

Мана, у мўйқалам ва палитра¹сини четга сурди. Мольберт²да бенуқсон манзарали сурат турибди.

У қотган кулча ва сув билан нонушта қилмоқчи бўлади. Кулчаларни кесади ва:
...Ох!

Марта хонимнинг юзига қизиллик югурди. Кулчаларга сариёф қўшган қўллар хақида ўйлармикин? Хоҳлармикин...

Эшик тепасидаги кўнғироқ ғазаб билан жиринглади. Кимдир дўконга гурс-гурс қадамлар билан кирди. Марта хоним орқа тарафдаги хонадан югуриб чиқди. Пештахта олдида икки киши турарди. Оғзида мундштук билан қандайдир йигит — Марта хоним уни биринчи марта кўриб турганди; иккинчиси — ўзимизнинг рассом.

Бўғриқиб кетган, хўмрайган рассом қўлларини мушт қилиб тугди ва Марта хонимнинг юзига ғазаб билан мушт ўқтади. Нақ Марта хонимнинг юзига-я!

¹ *Палитра* — рассомларнинг бўёқ қорадиган тахтаси.

² *Мольберт* — рассомчилик дастгоҳи.

– Dummkopf!¹ – бор кучи билан немис-чалаб бақирди. Кейин: – Tausendonfer!² – ёки шунга ўхшаш сўз билан Марта хонимга бақирди.

Йигит уни ташқарига судради.

– Унга ҳаммасини айтмагунимча кетмайман, – қўполлик билан жавоб қайтарди эски мижозимиз.

Унинг муштлари остида Марта хонимнинг пештахтаси турк ноғорасига айланди.

– Сизники мени расво қилди! – қичқирди у Марта хонимга кўзойнак орасидан газаб ўтида ёнаётган кўм-кўк кўзлари билан қараб. – Мен ҳаммасини, ҳаммасини айтаман! Сиз сурбет, қари мушуксиз!

Марта хоним беҳол бўлиб нон тоқчаларига суянди ва майда хол-хол оқ, ҳаворанг гулли шойи кўйлагини ушлади. Йигит рассомнинг ёқасидан олди.

– Юринг, кетдик! Етарлича алжирдингиз. – У қутурган ошнасини кўчага олиб чиқиб, Марта хонимнинг олдига қайтиб келди.

– Жанжал нимадан бошланганини билиб қўйсангиз ёмон бўлмасди, хоним, –

¹ *Dummkopf* – аҳмоқ.

² *Tausendonfer* – минг лаънат.



деди у. – Бу Блюмбергер. У чизмачи. Биз у билан қурилиш идораларининг бирида ишлаймиз. Блюмбергер уч ой бош кўтармай янги муниципалитет биносининг лойиҳаси устида ишлади. Уни конкурсга тайёрлаётганди. Кеча кечаси у чизма устида тушь билан юргизиб чиқишни тамомлади. Чизма аввалига қалам билан чизилиши, кейин эса қалам чизиқлари қотган нон билан ўчирилиши сизга маълум бўлса керак. Қотган нон ўчирғичдан яхши. Блюмбергер нонни сиздан сотиб оларди. Бугун эса... Биласизми, хоним, сизнинг сариефингиз... у, биласизми... Хуллас, Блюмбергернинг чизмаси энди фақат бутербродга ярайди.

Марта хоним дўкон ортидаги хонага кириб кетди. У ерда хоним майда холхол оқ, хаворанг гулли шойи кўйлагини ечиб, аввалги жигаранг пахта кўйлагини кийди. Сўнг беҳи уруғи кўшилган суртмасини олиб, уни дераза ортидаги ахлат қутисига ағдарди.

ПЕРКИНСНИНГ ВАЪДАСИ

– Саксон биринчи кўча... Тушадиганлар борми? – қичқирди кўк мундирли «чўпон».

Шу ерлик «қўйлар подаси» вагондан тушишди, бошқа «пода» уларнинг ўрнини эгаллади. Динг-динг! Манхэттен йўналишидаги «пода» ортган вагонлар тарақ-туруқ билан олдинга ҳаракатланишди, Жон Перкинс эса озодликка қўйиб юборилган «пода» билан пастга тушди.

Жон квартираси томон аста-секин одимлади. Аста-секин, чунки унинг кундалик ҳаётидаги луғатида «тез-тез» деган сўзнинг ўзи йўқ эди. Уйланганига икки йил бўлган, арзон квартирада яшаётган кишини ҳеч қандай сюрпризлар кутиб турмайди. Йўл бўйи Жон Перкинс маъюслик билан муқаррар зерикарли куннинг сўнгини ўйлаб келди.

Кэти уни эшик олдида колдкрем¹ ва обакидандон исини таратиб, ўпич билан кутиб олади. Жон пальтосини ечади, асфальтдай қаттиқ кушеткага ўтириб, «қирғинбарот» линотип²лар томонидан «ўлдирилган» руслар ва японлар ҳақидаги оқшомги газеталарни ўқийди. Кечликка дудланган гўшт, терини ёрмайдиган ва бузмайдиган (кафолатланган) «этик локи»

¹ Юз ва қўл терисини юшатадиган мой.

² *Линотип* – ҳарф териш машинаси.

билан зираворланган салат, димланган ра-
воч, «Кимёвий тоза» ёрлиғи ёпиштирилган
қип-қизил қулупнай мураббоси. Овқатдан
сўнг Кэти унга қуроқ кўрпасидаги муз
тарқатувчи ўзининг бўйинбоғидан қирқиб
берган янги ямоқчани кўрсатади. Кеч-
ки еттию ўттизда улар тепа қаватдаги
бақалоқ гимнастика билан шуғулланганда
шифтдан ёғила бошлайдиган сувоқ пар-
чаларини муносиб кутиб олиш учун ди-
ван ва оромкурсиларга газета ёйишади.
Ропша-роса саккизда Хайки ва Муни —
қарама-қарши квартирадаги мюзик-холл¹
жуфтлик (ангажемент²сиз) Delirium Trem-
epens³нинг нозик таъсирига берилиб, ан-
трепренер⁴ Гаммерштейн хафтасига беш
юз доллар шартнома билан уларнинг ор-
тидан қуваётганига ишонишиб, стулларни
ағдар-тўнтар қилишни бошлашади. Кейин
қудуқли ховли тарафдаги уйда яшов-
чи киши флейтаси билан ойна олдиға
ўтиради; газ ўйнаб-кулиб номаълум то-
монларга оқа бошлайди; ошхона лифти
рельсдан чиқиб кетади; швейцар яна бир

¹ Эстрада театри тури.

² Ангажемент — таклифнома.

³ Алкоголизм оқибатидаги оғир рухий касаллик.

⁴ Театр хўжайини.

бор Зеновицкая хонимни бешта боласи билан Яла дарёси ортига сиқиб чиқаради; ранги ўчган яшил туфлидаги хоним шотланд терьер¹и ҳамроҳлигида пастга тушиб, пайшанба кунлари олиб юрадиган фамилияси ёзилган карточкасини телефон кўнфироғи ҳамда почта қутиси орқали тўлдиради ва Фрогморнинг даромад келтирадиган уйига осойишталик чўқади.

Жон Перкинс ҳаммаси айнан шундай бўлишини биларди. Яна у билардики, ўн бешта кам тўққизда Жон Перкинс ўзини қўлга олиб, шляпасига қўлини чўзади, хотини эса асабийлашиб, қуйидаги сўзларни айтади:

– Қаёққа, Жон Перкинс, билсак бўладими?

– Мак-Клоскиникига бирров кириб ўтсамми девдим, – жавоб беради у, – ошналар билан қарта ўйнагани.

Сўнгги пайтларда бу унга одат бўлиб қолди. Ўн ёки ўн бирларда уйга қайтарди. Баъзида Кэти ухлаб ётар, баъзида қозонда қайнаб турган ғазабини ўт олдиришга тайёр бўлиб кутиб ўтирарди. Жон Фрогморнинг даромад келтирадиган уйидаги «қурбонлик»лари билан Махшаргоҳ олди-

¹ *Терьер* – кичик ҳайвонларни овлайдиган ит.



да турганда бу ишларнинг ҳаммаси учун Купидон жавоб беришига тўғри келади.

Шу кеча Жон Перкинс уйига кириб, ҳар кунги эски ҳолатнинг бузилганига гувоҳ бўлди. Кэти уни самимий бўса билан қарши олмади. Квартирада даҳшатли тартибсизлик ҳукм суларди. Кэтининг буюмлари ҳар ёққа сочилганди. Оёқ кийимлар хонанинг ўртасида ивирсиб ётар, соч тўғноғичлари, бантиклар, халат, упа-элик қутичаси жавон, стул устига пала-партиш ирғитиб ташланганди. Кэтининг бундай қилиғи йўқ эди. Тароқ тишлари орасида унинг қўнғир соч толаларини кўрганда Жоннинг ўтакаси ёрилаёзди. Кэти, чамаси, шошилган ва қаттиқ хаяжонланган. Одатда, у соч толаларини ҳар бир аёлнинг орзуси бўлмиш ясама соч қилиш учун каминдаги кўк гулдонга ҳафсала билан яшириб қўярди.

Газ рожог¹ининг кўринарли ерига бир парча қоғоз ипга осиб қўйилганди. Жон уни олди. Бу Кэти қолдирган хат эди:

*«Азизим Жон, ҳозиргина ойимнинг бетоблиги ҳақида шошилишчанома олдим. Тўрту ўттиздаги поезд билан жўна-
яман. Укам Сэм мени станцияда ку-*

¹ Рожог – ичи найчасимон шаклда кенгайиб борувчи асбоб.

тиб олади. Музхонада қўй гўшти бор. Ойим шамоллаб қолмаган бўлсин-да, ишқилиб. Сут сотувчига эллик цент тўлаб қўй. Ўтган баҳорда ҳам ойимнинг касали хуруж қилганди. Газ идорасига газ ҳисоблагичи ҳақида ёзишни унутма. Тоза пайпоқларинг тепадаги қутида. Эртага яна ёзаман. Кетдим.

Кэти»

Икки йиллик турмушларида улар ҳали бирор бир тунни алоҳида-алоҳида ўтказишмаганди. Жон хайрон бўлиб, хатни яна бир бор ўқиб чиқди. Бир зайлдаги ҳаёт тартиби бузилганди, бу Жонни эсанкиратиб қўйди. Овқат тайёрлаганда Кэти доим тақиб юрадиган майда қора холли қизил пешбанд стул суянчиғида осилиб турар, ҳар куни киядиган кўйлаклари тўғри келган жойга ирғитиб ташланган, унинг севимли обакидандонли халтаси ҳали очилмаган, газеталар полда сочилиб ётарди. Хонада ҳар бир буюм айрилик ҳақида гапираётгандай эди. Жон Перкинс қалбини ажиб ва маъюс ҳис чулғаб, нурсиз харобахона ўртасида туриб қолди.

У эплаганича квартирани тартибга келтира бошлади. Кэтининг кўйлақларига қўлини узатганда, уни қўрқув қамраб олди. Жон Кэтисиз ҳаёти нима бўлишини ҳеч



ўйлаб кўрмаганди. Кэти Жоннинг ҳаётида ҳаводек зарур эди. Энди у гўё ҳеч қачон мавжуд бўлмагандек ғойиб бўлганди. Албатта, бу бир неча кунга, холос, нари борса бир ёки икки ҳафтага. Лекин Жонга ажалнинг ўзи унинг мустаҳкам ва осуда бошпанасига бош суққандек бўлди.

Жон музхонадан муздек қўй гўштини олиб, сурбет «кимёвий тоза» қулупнай мураббоси билан юзма-юз ўтириб, овқатланишга тушди. Чироқ ёруғи остида, бой берилган фаровонликсиз унинг кўз ўнгида дудланган гўшт ва салатнинг шарпалари гавдаланди. Унинг хонадонига путур етди. Хаста қайнонаси уйининг кулини кўкка совурди. Жон ёлғизликда овқатланиб бўлгач, дераза олдига келиб ўтирди.

Чеккиси ҳам келмасди. Ойна ортида шаҳар шовқин солар, Жонни ҳеч нарса ни ўйламасдан хурсандчиликка чорларди. Тун унинг ихтиёрида эди. У ҳеч кимдан сўрамай кетиши, эркин, хушчақчақ бўйдоқдай лаззат денгизига шўнғиши мумкин. Жон тонггача айш-ишрат қилиши мумкин, ғазабнок Кэти уни хуноб бўлиб кутмайди. Агар хоҳласа, Аврора¹ электр

¹ Тонгги шафақ илоҳи (юн. миф.).

чироқларини ўзининг нурлари билан тўсиб қўймагунча, Мак-Клоскиникида ошналари билан бильярд ўйнаши мумкин. Жонни ушлаб турган Гименей¹ занжири, ҳатто Фрогморнинг даромадгир уйида тоқат килиб бўлмаса-да, энди заифлашди — Кэти жўнаб кетди.

Жон Перкинс ўз туйғулари тўғрисида ўйлашга одатланмаганди. Аммо Кэти тарк этган квартирада (ўнга ўн икки фут²) ўтираркан, нима учун ўзини ёлғиз хис этаётганини, Кэти унинг бахти учун зарурлигини тушуниб етди. Жоннинг унга бўлган муҳаббати Кэтининг йўқлигини англагач, бирдан уйғонди. Ахир, биз куйни хушовоз қушча пир этиб учиб кетгандагина қадрлашимиз матал, панд-насихат ва масаллар орқали қайта-қайта уқтирилмайдими?

«Қандай каллаварамман-а, — ўйларди Жон Перкинс. — Кэтига қандай муносабатда бўлдим-а? У билан бирга уйда ўтириш ўрнига ҳар кеча қарта ўйнаб, ул-фатлар билан ичиб ўтираман. Бечора доимо ёлғиз, кўнгил ёзмайдиям, мен бўлсам, ўзимни қандай тутяпман! Жон Перкинс,

¹ Никоҳ худоси (юн. миф.).

² Фут — 30,48 см.



сен аблаҳсан. Лекин мен хатойимни тузатишга ҳаракат қиламан. Қизалоғимни театрга олиб бораман, вақтини чоғ қиламан. Мак-Клоски ва бу тўдага ҳозироқ барҳам бераман».

Ойна ортида шаҳар шовқин соллар, Жон Перкинсни Момус¹нинг кенг кўйлагида рақсга тушишга чорларди. Мак-Клоскиникида эса улфатлар кечки беллашув олдидан қўлларининг чигалини ёзиб, эринчоқлик билан шарларни юмалатишарди. На гулчамбарлар, на доира бўлиб қўшиқ айтиш, на кий²нинг шақирлаши ёлғиз қолган Перкинснинг кўнглига сиғарди. Жон қадрига етмайдиган, ҳатто баъзида нафратланадиган бойлигини ундан тортиб олишди. Энди эса ўша бойлиги етишмаяпти. Тавбасига таянган Перкинс ўз насл-насабини фаришталар мева боғидан ҳайдаб чиқарган қандайдир Одамато деган одамгача текшириб кўриши мумкин эди.

Жон Перкинсдан ўнг томонда турган стулнинг суйанчиғида Кэтининг ҳаворанг кофтаси осилиб турарди. Кэти уни янгилигича сақлаганди. Кофтанинг енгларида

¹ *Момус* – масхара ва танбеҳ худоси (юн. миф.).

² *Кий* – бильярд таёғи.

ингичка, ўзига хос тарам-тарам вижимлар — Жонга атаб қулайлик ва хузур-ҳаловат яратиш учун тиришиб ишлаган қўл ҳаракатларининг излари билиниб турарди. Ундан қўнғироқгулнинг заиф, аммо айнан унинг иси келарди. Жон кофтанинг енгларини ушлаб, унга узоқ ва жиддий тикилиб қолди. Кэти жуда ҳам меҳрибон эди. Жон Перкинснинг кўзларида ёш — ҳа, ёш кўринди. Кэти қайтиб келгач, ҳаммаси бошқача бўлади. Жон Кэтини ўзининг эътиборсизлиги учун мукофотлайди. Усиз яшашнинг нима кераги бор?

Эшик очилиб, хонага қўлида кичкина саквояж билан Кэти кириб келди. Жон унга маъносиз қараб қолди.

— Ух, уйга келганимдан бирам хурсандман, — деди Кэти. — Ойим унчалик ҳам касал эмас экан. Сэм станцияда экан, айтишича, хуруж енгил бўлибди ва шошилиночнома жўнатганларидан кейин ҳаммаси ўтиб кетибди. Кейинги поезддаёқ ортимга қайтдим. Ўлгудай қаҳва ичгим келяпти.

Фрогмор даромадгир уйининг учинчи қаватида механизм тескари буралганда тишли филдиракларнинг вижирлаганини ҳеч ким эшитмади. Пружинани тузатиш-



ди, лента ҳаракатга тушди ва филдираклар аввалгидек айлана бошлади.

Жон Перкинс соатга қаради. Саккизу қирқ беш. У шляпасини олиб, эшикка йўналди.

– Қаёққа, Жон Перкинс, билсак бўладими? – сўради Кэти асабийлашиб.

– Мак-Клоскиникига бирров кириб ўтсамми девдим, – жавоб берди Жон, – ошналар билан қарта ўйнагани.

АГАР САНЪАТНИ СЕВСАНГ...

Агар Санъатни севсанг, ҳар қандай қурбонлик чўт эмас.

Ҳикоямиз мана шу фикр ва унинг раддия хулосасидан пайдо бўлади. Бу мантиқан янги, адабий жихатдан эса Буюк Хитой деворига нисбатан бироз қадимийроқ.

Жо Лэрреби юз йиллик эманлар орасида, Ўрта Ғарбнинг текисликларида тасвирий санъат иштиёқида ёниб ўсди. Олти ёшида картон қоғозга шаҳар сув чиқарувчи насосли биноси ҳамда унинг ёнидан шошиб ўтиб кетаётган шу ерлик кишининг суратини солди. Қунт билан ишланган ушбу ижод самараси рамкага солиниб, дорихона ойнасига осиб қўйилди. Жо

Лэрреби йигирмага тўлганда бўйинбоғини бўшроқ, белбоғини маҳкамроқ бойлаб, она шахри Нью-Йоркдан жўнаб кетди.

Дилия Кэрузер Жанубда, қарағайлар билан ўралган қишлоқда яшарди. Унинг фортепиано клавишларидаги олтига октавани чиқариб бероладиган овози қариндош-уруғларида катта умид уйғотди. Қизнинг ақчадоида «муסיқий таълимни охиригача етказиш» мақсадида Шимол сафарига етдиган маблағ йиғилди. У ўқишини тамомлаши биланок, яқинлари хаёлларига ҳам келтиришмагандики... умуман, ҳикоямиз шу ҳақида.

Жо ва Дилия бир-бирларини рассомчилик ва муסיқа санъати ўргатиладиган ёшлар мактабида учратдилар. Бу ерга Вагнер, муסיқа, Рембрандт асарлари, суратлар, гулқоғозлар, Валдтейфель, Шопен¹ тўғрисида суҳбатлашиш учун йиғилишарди.

Жо ва Дилия бир-бирига кўнгили кўйишди ёки ошиқ бўлишди — дидин-

¹ *Рихард Вагнер* (1813–1883) – немис композитори ва санъат назариётчиси; *Рембрандт Харменс ван Рейн* (1606–1669) – голланд мусаввири; *Эмиль Вальдтейфель* (1837–1915) – фаранг композитори, дирижёр ва пианисти; *Фредерик Франсуа Шопен* (1810–1849) – поляк композитори.



гизга ҳавола. Вақтни қўлдан бой бермай, турмуш қуришди, негаки (юқорига қаранг), агар Санъатни севсанг, ҳар қандай қурбонлик чўт эмас.

Жаноб ва хоним Лэрребилар ижарага квартира олишиб, бирга яшай бошлашди. Бу хилват бурчакдаги квартира эди, худди фортепиано клавишларининг энг чеккадаги ля нотаси каби. Эр-хотин бахтли эдилар. Улар бир-бири учун яралганди, Санъат эса улар учун. Кимки ёш ва бойвачча бўлса, маслаҳатимни ёдида тутсин: мол-мулкингни сотиб, пулларни бева-бечораларга тарқат... яхшиси, бу пулларни ўзининг Дилияси ва Санъати билан худди шундай квартирага жойлашиб олиши учун бирорта дайдига бер.

Бу квартира эгалари, шубҳасиз, менинг гувоҳлигимда, дунёдаги энг бахтли инсонлар эди. Бахт ҳукм сураётган уй тор бўлиши мумкин эмас. Шкаф ётқизилиб билард, камин тахтаси — тошойна, ёзув столи — меҳмонхона, ювиниш тоси эса пианино вазифасини бажарсин! Агар тўрт девор сиқаётган бўлса, ҳечқиси йўқ! Дилиянгиз билан сиғишсангиз бўлгани. Лекин агар оилангизда тотувлик бўлмаса, уйингиз шундай катта ва кенг бўлиши ло-

зимки, сиз унга Олтин дарвозадан кириб, шляпангизни Гаттерас, кўйлагингизни Горн бурнига илиб, у ердан Лабрадор орқали чиқиб кета олинг!

Жо рассомчиликни буюк Маэстрининг ўзидан ўрганди. Шубҳасиз, сиз бу исмни эшитгансиз. Дарслари учун чўнтагингизни шилиб олса-да, ўқитишининг мазаси йўқ эди. Афтидан, унга тасвирий санъат устаси деган шон-шуҳрат керак эди. Дилия мусиқани Розенштокдан ўрганди — бу фортепиано клавишлари тинчини бузувчининг қанчалар доврўғи кетганлигини биласиз, албатта.

Жо ва Дилия пуллари қолмагунча жуда бахтли эдилар. Ҳар доим шунақа... бироқ мен беадаблик қилмоқчимасман. Олдиларига кўйган мақсадлари мутлақо аниқ эди. Жо тўхтовсиз шундай суратлар чизиши керак эдики, ингичка бакенбардли, қаппайган ҳамёнли кекса жентльменлар унинг устахонасида бири-бирининг бошига гурзи билан туширсин. Дилия мусиқанинг барча сир-асрорини билиб олиши, мусиқага кўнгил кўйиши, данфиллама кошона ва эстрададан воз кечиб, оддий ўриндиқларда ўтирганларнинг бош оғриғини даволаши керак эди.



Назаримда, ҳаммасидан ҳам уларнинг кичкина квартираларидаги хаётлари ўзгача эди: дарсдан қайтганларидан сўнг қайноқ ва мароқли суҳбатлар; биргаликдаги ажойиб тушликлар ва енгилгина нонушталар; юксак орзуларини алмашиш — ҳар иккови нафақат ўзининг, умр йўлдошининг муваффақиятларидан қувонишарди; бир-бирига кўмаклашишлари ҳамда далда беришлари — э, ҳа, андаккина ноталабчанлигим учун афв этишсин — уйқу олдидан пишлоқли бутерброд ва зайтунлар...

Қунлар кетидан кунлар ўтар, баландга кўтарилган Санъат байроғи ҳам аранг ҳилпираб қолди. Гарчи бунга яловбардор айбдор бўлмаса ҳам, гоҳида шундай бўлади. Жаноб Маэстри ва Розенштокнинг қимматли хизматларини тўлаш учун ақча қолмади. Лекин, агар Санъатни севсанг, ҳар қандай қурбонлик чўт эмас. Шундай қилиб, Дилия бир куни мусикадан дарс бермоқчилигини билдирди, негаки учмауч бўлса-да, яшаш керак эди.

Деярли ҳар куни Дилия ўқувчи топиш мақсадида кўчага чиқди ва ниҳоят, бир куни кечки пайт уйга кўтаринки кайфиятда кириб келди.

— Жо, азизим, ўқувчи топдим! — деди тантанавор. — Биласанми, шундай ил-

тифотли одамларки! Генерал... генерал А.Б. Пинкни қизи билан. Уйлари Етмиш биринчи кўчада. Ҳашаматли уй, Жо! Подъездларини кўрганингдайди! Византия услубида — шунақа бўлса керак, сен шундай дейсан-ку. Хоналарини айтмайсанми! Эҳ, Жо, бунақасини сира кўрмагандим.

Мен унинг қизи Клементинага дарс бераман. Унга бир кўришдаёқ боғланиб қолдим. У шунақанги мулойим, хушмуомала, камтарки. Бошдан-оёқ оппоқ кийинган. Ёши ўн саккизда. Мен у билан ҳафтада уч марта шуғулланаман. Ўйлаб кўргин, Жо, ҳар бир дарсим беш доллардан. Бу, ахир, ажойиб-ку! Яна шундай дарслардан икки-учтасини топсам, Розеншток билан машғулотларимни қайтадан бошлайман. Илтимос, жоним, қовоқтумшуғингни йиғиштир. Кел, яхшиси, кичик базм уюштирамиз.

— Сенга гапириш осон, Дили, — эътироз билдирди Жо, ошхона пичоғи билан қуролланганча консерва банкадаги нўхатга ҳужум қилиб. — Хўш, мен-чи? Демак, сен елиб-югуриб дарс ўтиб пул топасан. Мен бўлсам, ғам-ташвиш қилмай санъатнинг юксак осмонида учиб юраманми? Э, йўқ. Бенвенуто Челлини¹ ҳақи қасам

¹ *Бенвенуто Челлини* (1500–1571) — италян хайкалтароши, заргари, мусаввири ва муסיқачиси.

ичаман! Газета сотиб ёки кўча-кўйда тош териб, уйга доллар-поллар олиб келиш кўлимдан келади.

Дилия эрига яқинлашиб бўйнига осилди.

– Жо, азизим, тентаккинам! Рассомликни ташламаслигинг керак. Тушунгин, ахир — агар мен муסיқани ташлаб бошқа нарса билан шуғуллансам... дарс бериш жараёнида ўзим ҳам ўрганаман. Мен ўзимнинг мусиқам билан хайрлашганим йўқ-ку. Ҳафтада ўн беш долларга миллионерлардек яшаймиз. Жаноб Маэстрини ташлаб қўйишни хаёлинггаям келтирма.

– Майли, — деди Жо токчадан чинни идиш олаётиб. — Барибир сени елиб-югуришларинг менга алам қилади. Йўқ, бу Санъат эмас. Аммо сен менинг бойлигимсан.

– Агар Санъатни севсанг, ҳар қандай қурбонлик чўт эмас, — деди Дилия мағрурланиб.

– Маэстри хиёбонда чизган пейзажимдаги осмонни мақтади, — деди Жо. — Тинкл эса пешойнасига иккита суратимдан осиб қўйишимга рухсат берди. Агар ўтиб кетаётган бирор пулдор телбанинг кўзи тушиб қолса, сотиб олар.

– Албатта, сотиб олишади, – аста шивирлади Дили. – Ҳозир эса генерал Пинкни ва манави бузоқ гўшти учун тақдирга шукрона айтайлик.

Кейинги ҳафтада эр-хотин Лэрребилар нонуштага эрта ўтирдилар. Жо ўзининг хомаки расмларини чизадиган Марказий хиёбондаги тонгги манзарадан завқ оларди. Соат еттида Дилия уни нонушта ва бўса билан сийлаб кузатиб кўярди.

Санъат — талабчан ошиқ. Жо энди уйига кечки етти бўлмасдан кам келарди.

Шанба куни Дилия бироз ранги оқарган ва ҳорфин, аммо виқор билан кичкина меҳмонхонадаги (саккизга ўн фут) кичкина столчага (саккизга ўн дюйм¹) уч дона беш долларликни тантанаворлик билан қўйди.

– Клементина баъзида қийнаб юборяпти, – деди жиндай ҳолсизланиб. – Астойдил тиришмаяптими деб қўрқаман. Унга бир нарсани уч-тўрт мартаба такрорлашга тўғри келяпти. Оппоқ кийимлари ҳам зериктирди. Лекин генерал Пинкни — ажойиб чол! Сен у билан таниш эмассанда, Жо. Аҳён-аҳёнда дарс вақти олдимизга кириб (у, ахир, ёлғиз, хотини йўқ), — оқ оралаган эчки соқолини қашиганча қараб

¹ 25,5 мм.

туради. «Хўш, ўн олтинчи ва ўттиз иккинчилар қалай? – деб сўрайди доим. – Бир маромда кетяптими?»

Эҳ, Жо, меҳмонхонадаги панеллари-ни кўрганингдайди. Юмшоқ пардалари-ни айтмайсанми! Клементинани озгина йўтали тутяпти. Кўринишига қараб тетик деб умид қиламан. Аслида, унга қанчалик боғланиб қолганимни ўзинг биласан – шундай ёқимтой, беозор, тарбиялики. Генерал Пинкнининг акаси бир вақтлар Боливияда элчи бўлган экан.

Шунда Жо гўёки граф Монте-Кристодек чўнтагидан биринчи ўн, кейин беш, икки ва бир долларлик пулларни чиқариб, хотинининг маоши ёнига кўйди.

– Пеорияликдан биттасига акварел¹имни сотдим, – дея хайратга соладиган хабар айтди Жо.

– Ҳазиллашяпсанми, Жо? – деди Дилия. – Пеориядан бўлиши мумкин эмас!

– Мана, кўриб турибсан-ку. Уни кўрганингдами, Дилия. Бақалок, жун шарф тақиб олган, оғзида тишкавлaгич. У Тинкл пешойнасидаги этюд²имни кўриб,

¹ *Акварель* – сувда қориладиган бўёқлар билан солинган сурат.

² *Этюд* – машқ қилиш мақсадида чизилган суратлар.

аввалига, шамол тегирмони деб ўйлади. Лекин у тегирмон ўрнига акварелни сотиб олди, ҳатто яна бир суратга буюртма берди — Лэкуон товар станциясини. Ўзи билан олиб кетаркан. Ўргилдим бу мусиқа дарсларидан! Бўпти, бўпти, улар, албатта, Санъатдан йироқ эмас.

— Ўз ишинг билан шуғулланаётганингдан бирам хурсандманки, — деди чин дилдан Дилия. — Олдинда сени улкан зафарлар кутяпти, азизим. Ўттиз уч доллар! Ҳали бундай бой бўлмагандик. Бугун кечликка устрица еймиз.

— Биқин гўшти билан қўзиқорин ҳам, — қўшиб қўйди Жо. — Санчқи қаердалигини билмайсанми?

Кейинги ҳафтада Жо уйга биринчи бўлиб қайтди. Меҳмонхонадаги столчага ўн саккиз доллар қўйиб, шошганча қўлидан қандайдир қора нарсани, чамаси, мойбўёқни ювиб ташлади.

Ярим соатдан сўнг Дилия ҳам пайдо бўлди. Ўнг қўлининг панжасига бинт ўралганди.

— Нима бўлди, Дилия, — сўради Жо хотинини ўпиб. Дилия зўрма-зўраки жилмайди.

— Дарсдан кейин Клементинанинг хаёлига мени қовурилган бурда нон билан



меҳмон қилиш келиб қолди, — деди у. — Ўзи бу қиз сал ғалатироқ. Кечки соат бешда — қовурилган бурда нон!

Генерал ҳам уйда экан. Қозонни олдида куймаланишини кўрсанг, хизматкорлари йўқ деб ўйлаш мумкин. Клементинанинг соғлиғи сал чатоқроқ — қанақадир асабийми-ей. Эритилган пишлоқни қовурилган бурда нонларга қуяётиб, қўлимга тўкиб юборди. Бирам оғридики! Бечора хижолатдан йиғлаб юборди. Генерал Пинкни бўлса... чол ақлдан озаёзди. Ертўлага ўзи тушиб, кимнидир (ўт ёқувчини бўлса керак) малҳам ва бинтга дорихонага жўнатди. Ҳозир унчалик оғримаяпти.

— Бу нима? — сўради Жо Дилиянинг қўлини оҳиста ушлаб. Бинт тагидан чиқиб турган оппоқ пахтани тортди.

— Бу малҳам суртиладиган юмшоқ нарса, — деди Дилия. — Эй Худо, Жо, наҳот яна битта этюдни сотган бўлсанг? — У столчадаги пулларни энди кўрганди.

— Сотдингми, дейсанми?! Буни Пеориялик дўстимиздан сўра. Бугун у буюртмасини олиб кетди. Менимча, яна хиёбон пейзажи ва Гудзон тасвиридан буюртирадиганга ўхшайди. Бу кўнгилизлик соат нечада бўлди?

– Бешларда бўлса керак, – деди ҳасратланиб Дилия. – Дазмол... йўғ-е, пишлокни шу вақтда плитадан олишаётганди. Генерал Пинкнини кўрсанг эди, Жо...

– Бу ёққа кел-чи, Дили, – деди Жо. Кушеткага ўтирди ва хотинини ўзига тортиб, елкасидан қучди.

– Шу охирги икки ҳафтада нималар билан шуғулландинг? – деб сўради.

Дилия муҳаббат ва ўжарлик акс этган нигоҳи билан эрининг кўзига дадил бокди ва генерал Пинкни борасида бир нималар деб чайналди... кейин бошини эгди. Бор ҳақиқат шиддатли кўзёшлар билан отилиб чикди.

– Мен ўзимга ўқувчи тополмадим, – тан олди Дилия. – Бунинг устига, расомликни ташлашингга йўл қўёлмасдим. Шунда анави катта кирхонага – Йигирма тўртинчи кўчадаги, биласан – жойлашдим, қўйлак дазмоллагани. Генерал Пинкни ва Клементинани зўр ўйлаб топибманми, нима дейсан, Жо? Бугун кирхонадаги бир қиз қўлимни дазмол билан куйдириб қўйганда, йўл бўйи қовурилган бурда нонларни тўқиб келдим. Жаҳлинг чиқмайдими, Жо? Агар ишга жойлашмаганимда, сен, балки, этюдларингни ўша пеориялик жанобга сотолмасмидинг.



– Айтмоқчи, у Пеориядан эмас, – деди Жо.

– Бунинг аҳамияти йўқ. Ўзимни ақллигинам, Жо, қани, айтчи... йўқ, аввал мени ўпиб қўй... айт-чи, дарс бермаслигимни қандай пайқадинг?

– Сўнгги дақиқаларгача пайқаганим йўқ, – деди Жо. – Ҳозир ҳам сезмасдим. Лекин бугун мен қозонхонадан тепага, кирхонага, қўлини куйдириб қўйишган бир қиз учун пахта ва малҳам чиқариб юбордим. Мана, икки ҳафтадан бери шу кирхонада қозонга ўт қалайман.

– Демак, сен...

– Менинг Пеориялик харидорим — худди сенинг генералинг каби — расомчиликка ҳам, мусиқага ҳам умуман алоқаси бўлмаган оддийгина санъат асари, холос.

Иккови ҳам кулиб юборди ва Жо гап бошлади:

– Агар Санъатни севсанг, ҳар қандай қурбонлик...

Аммо Дилия эрининг оғзини қўли билан ёпиб, гапиришга қўймади.

– Йўқ, – деди Дилия. – Шунчаки: агар севсанг...

ТАҚДИР ҲАЗИЛИ

Қош қораяр пайти чоғроқ хиёбоннинг осуда буржида яна ўша кулранг кўйлакли қиз пайдо бўлди. Ўриндиққа ўтириб, кўлидаги китобини очди, кун ёруғида чамаси яна ярим соатларча китоб ўқиса бўлади.

Қиз одми кулранг кўйлақда эди. Шунчалик оддийки, бичимининг ҳам, тикилиш услубининг ҳам беками кўстлиги кўзга ташланмасди. Шляпасининг ҳарир тўри қизнинг юзини янада чиройли кўйга соларди. У бу ерга ҳар куни, худди шу вақтда келар, бу ҳақда ҳеч ким билмасди.

Бундан хабар топган йигит соҳибжамолнинг марҳаматини қозониш умидида шу яқин атрофда тентираб юрарди. Унинг ноласи Худога етди шекилли, қиз китобнинг кейинги саҳифасини очаётиб, уни кўлидан тушириб юборди. Китоб икки қадамлар нарига бориб тушди.

Йигит вақтни қўлдан бой бермай, китобни олишга шошилди ва уни қизга узатди. Одатдагидек йигит киришни об-ҳаводан бошлади ва қиздан жавоб бўлишига умидвор сукут сақлади.

Қиз йигитнинг озода костюми ва юзига лоқайд назар ташлади.

– Истасангиз ўтиришингиз мумкин, – деди у оҳиста, – тўғриси, ўзим ҳам шуни истаб турибман. Барибир қоронғу тушиб қолди, ўқиб бўлмайди. Ким биландир суҳбатлашгим келяпти.

Йигит дарҳол ўриндиққа чўкди.

– Мен билган қизларнинг ҳеч бири сизга ўхшамайди, – гап бошлади йигит. – Кеча сиздан нигоҳимни узолмадим. Кўзларингиз ёш боланикидай беғубор экан. Улар, албатта, бирон бир кишини ақлдан оздирган бўлиши керак.

– Ким бўлишингиздан қатъий назар, – деди қиз совуқ оҳангда, – менинг леда¹ эканлигимни унутманг. Ҳозирги ишингизни кечираман. Сиз кабиларнинг янглишиши, шубҳасиз, табиий ҳол. Сизни ўтиришга таклиф қилдим; агар таклифим мени «ёш бола» дейишингизга имкон берса, уни қайтариб оламан.

– Худо ҳаққи, афв этинг, – ялина бошлади йигит. Юзидаги мағрурлик итоаткорлик ва пушаймонлик ҳисси билан алмашди. – Мендан ўтди. Биласизми, айтмоқчиманки, одатда хиёбонда қизлар... Сиз буни барибир тушунмайсиз, лекин...

¹ Зодагон аёл.

– Келинг, бу мавзуни четга сурайлик. Нима демоқчилигингизни англадим. Яхшиси, атрофимиздаги одамлар ҳақида менга гапириб беринг. Улар қаёққа кетишпти? Нега бунчалик шошилишади? Улар бахтлимикин?

Йигит бир зум ўйланиб қолди.

– Ҳа, уларни кузатиш жуда ҳам мароқли, – деди йигит. – Ҳаётнинг фаройиб жумбоғи. Баъзилари кечки овқатга шошилади, бошқалари эса... ҳмм... бошқа жойга. Улар қандай турмуш кечиришларини билгим келади.

– Мен эса йўқ, – деди қиз. – Унчалик қизиқувчан эмасман. Мен бу ерга одамларга яқин бўлиш учун келаман. Лекин улардан шунчалик узоқманки, ҳатто «дукур-дукур»лар ҳам қулоғимга чалинмайди. Қани, айтингчи, мен нима учун сиз билан бундай гаплашаётганимни англадингизми, мистер...

– Паркенстекер, – қўшиб қўйди йигит ва савол назари билан қизга тикилди.

– Йўқ, йўқ, – деди қиз хиёл жилмайиб ва нозик бармоқларини тепага кўтариб қўйди. – Менинг фамилиям жуда ҳам машҳур. Баъзи фамилияларни газетада чоп этишга тўсқинлик қилишнинг иложи



йўқ. Хизматкоримнинг шляпаси ва тўри мени инкогнито¹га айлантирди. Ҳар сафар ҳайдовчининг менга тикилиб қарашини билсангиз эди, гўё мен унинг ўғринча нигоҳларини сезмайдигандек. Очигини айтаман: биз каби олийнасаб фамилиялилар бармоқ билан санарли. Мен сизга буларни шунинг учун айтяпманки, мистер Стекенпот...

– Паркенстекер, – сипогина қизнинг хатосини тузатди йигит.

– ...мистер Паркенстекер, умримда бир марта бўлса-да, чин инсон — бойликнинг жилосига учмаган киши билан гаплашгим келди. Эҳ, сиз бу лаънати пуллардан қанчалик чарчаганимни билсангиз эди. Қаерга қарамай, пул, пул! Атрофимдаги хушомадгўйлардан ҳам чарчадим. Ҳаммаси бир гўр. Бу кўнгилхушликлар, бриллиантлар, сайру саёҳатлар, бу жамият, бу ҳашаматлардан тобим кочяпти.

– Мен доим ўйлардимки, – иккиланиб гап бошлади йигит, – пулларнинг кўп бўлгани чакки эмас.

– Бу айни муддао, албатта, бироқ шунча миллионлаб пул... – қиз сўзини тушкунлик билан тугатди. – Бир хиллик,

¹ Яширин ном билан юриш.

эскилик, – давом этди у, – мана, нималар бизни зериктиради. Борди-келди, тушлик, театр, бал, кечки зиёфатлар — ҳамма-ҳаммаси шоҳона тарзда. Баъзида ҳатто шампань тўла қадахдаги музнинг «ғижир-ғижир»и ҳам мени ақлдан оздиради.

Мистер Паркенстекер қизни берилиб тингларди.

– Мен киборлар ҳаёти ҳақида ўқиш ва эшитишни ёқтираман, – деди йигит. – Балки мен бироз худбиндирман. Бироқ ҳаммаси ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишни истардим. Менда шундай тасаввур пайдо бўлдики, музни қадахга эмас, шампань тўла шишани музга солишяпти.

Қиз ёқимли жилмайиб қўйди. Йигитнинг гаплари унинг кулгисини қистади.

– Билиб қўйингки, – менсимай тушунтирди қиз, – бизлар — олийнасаб табақа кишилари тез-тез расм-русумларимизга амал қилмаслигимиз билан кўнгилхушлик қиламиз. Айни дамда шампанга муз қўшиб ичиш урфга кирган. Бу нарса Уолдорфда татар князи ташрифи шарафига уюштирилган зиёфатдан бошланганди. Аммо бу инжиқлик тез орада бошқаси билан алмашади. Бир ҳафта илгари Медисон-авенюдаги зиёфатда ҳар бир овқатланиш анжо-



ми олдига зайтун ейиш учун кийиладиган майин терили яшил қўлқоп қўйилганди.

— Ха, — эътироф этди йигит, — олий табақа доирасининг бу каби шўхликлари омма учун номаълум бўлиб қоляпти.

— Гоҳида, — давом этди қиз бошини силкитиб, — гоҳида агар севиб қолсам, фақат паст табақадаги кишига кўнгил қўйсам керак деб ўйлаб қоламан. Ҳақиқий меҳнаткашга, текинхўрга эмас. Бироқ, шубҳасиз, бойлик, машҳурлик истакларимдан устун туради. Мисол учун, ҳозир иккитаси ортимдан юрибди. Бири немис князлигида герцог. Унинг хотини бор ёки бўлган деб шубҳаланяпман. Қайлиғи унинг ўзбошимчалиғи ва бағритошлигидан ақлдан озган бўлса керак. Иккинчи номзод — англиз маркизи. Шундай расмиятпараст ва тежамкорки, мен герцогнинг қаттиққўллигини афзал кўрсам керак. Аммо буларни сизга айтишга мени нима мажбурляпти, биласизми, мистер Покенстекер?

— Паркенстекер, — ғўлдиради йигит. — Очигини айтсам, менга ишонишингиз мумкин.

Қиз ўрталаридаги фарқни билиб, унга хотиржам ва бепарво кўз югуртирди.

– Касбингиз нима, мистер Паркенсте-кер? – сўради у.

– Жудаям камтарона. Лекин ҳаётда нимагадир эришишимга ишонаман. Сиз паст табақадаги кишини севишим мумкин, деб жиддий айтдингизми?

– Ҳа, албатта. Бироқ «севиб қолишим мумкин» дедим. Герцог ва маркизни ёдингиздан кўтарманг. Касбининг аҳамияти йўқ, унинг ўзи менга ёкса бўлгани.

– Мен ресторанда ишлайман, – маълум қилди йигит.

Қиз бир сапчиб тушди.

– Официант бўлиб эмасдир ҳар холда? – ёлворгандек сўради қиз. – Тирикчиликнинг айби йўқ, лекин... бундай хизмат қилиш, ўзингиз тушунасиш-ку, югурдаклар ва...

– Йўқ, официант эмасман. Мен ғазначиман... – Хиёбон бўйлаб юрилганда кўчанинг тўғрисидаги «Ресторан» сўзи электр нуруни таратиб турарди. – Ҳов ана у ресторанда ишлайман.

Қиз қўлига ярашиб турган соатига қаради ва шошиб ўрнидан турди. Китобни бежирим сумкасига солди. У сумкага зўрға сиғди.

– Нега иш жойингиздамассиз? – сўради қиз.



– Бугун тунги навбатчиликдаман, – деди йигит. – Ихтиёримда яна бир соат вақт бор. Бу охирги учрашувимиз бўлмаса керак? Умид қилсам бўладими?

– Билмадим, эҳтимол. Балки бошқа кўришмасмиз. Шошилишим керак. Мени шоҳона зиёфат кутяпти, кейин театр – уф-ф, яна ўша ҳашамдорлик. Бу ерга келаётиб, хиёбон ёнидаги бурчакда турган автомобилга кўзингиз тушгандир? Оппоқ.

– Филдираклари қизилмиди? – сўради йигит ўйланиб.

– Ҳа, мен ҳар доим бу ерга шу автомобилда келаман. Пьер мени машина ёнида кутиб турибди. У мени хиёбоннинг нарёғидаги дўконда сайр қилиб юрибди деб ўйлайди. Ҳатто шахсий ҳайдовчингизни ҳам алдашга мажбур этадиган ҳаётни тасаввур этоласизми? Кўришгунча.

– Қоронғу ҳам тушиб колди, – деди мистер Паркенстекер, – хиёбонда ҳар хил маст-аластлар бўлиши мумкин. Рухсат берсангиз, сизни кузатиб қўйсам...

– Агар сиз истакларим билан бироз бўлса-да ҳисоблашсангиз, – қатъий жавоб берди қиз, – мен кетганимдан сўнг шу ўриндикда яна ўн дақиқа ўтирасиз. Сизни айбламоқчимасман. Эҳтимол, одатда,

машиналарда машина эгаларининг монограммаси¹ бўлишидан хабарингиз бўлса керак. Майли, кўришгунча.

Қиз шошиб, қоронғулик қаърига сингиб кетди. Йигит қиз хиёбондан чиқиб, машина турган бурчакка бурилмагунча унинг хушбичим қоматига термулиб қолди. Сўнг ҳеч иккиланмай дарахт ва буталар орасига беркиниб, қизнинг ортидан изма-из борди. Уни бир зумга ҳам кўздан қочирмади. Қиз бурчакка етиб бориб, оқ автомобиль томонга бурилди. Автомобилга бирров кўз ташлади-да, кўчанинг у юзига ўта бошлади. Хиёбон ёнидаги извош панасида йигит унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турарди. Қарамақарши тарафдаги йўлакка ўтган қиз ресторан эшигини очиб, ичкарига кирди. Ресторан деворлари оқ ва ойнали бўлиб, у ерда овқатлар арзон эди. Қиз ичкарига кириб, кўздан йўқолди. Зум ўтмай, тўсатдан пайдо бўлди, лекин бу сафар шляпа ва ҳарир тўри йўқ эди.

Ойнали девор ёнида касса жойлашганди. Унинг ортида ўтирган қиз соатга қараб олди ва курсидан сирғалиб тушди.

¹ Исми, отасининг исми ва фамилияси бош ҳарфларидан тузилган безак шаклидаги шартли белги.



Кулранг кўйлақдаги қиз унинг ўрнини эгаллади.

Йигит кўлларини чўнтагига тиқиб, ортига қайтди. Бурчакда ерда ётган аллаларнасага қоқиниб кетди. Ялтироқ муқовадан бу қизнинг китоби эканини билди. У китобни қўлига олди: Стивенсон – «Шахризоданинг янги эртаклари». Йигит китобни майса устига улоқтириб, бир дақиқа нима қилишини билмай, ўйланиб қолди. Кейин эса оқ автомобиль эшигини очиб ўтирди. Бошини орқага ташлаб, ҳайдовчига сўз қотди:

– Анри... клубга!

МУНДАРИЖА

Шафтоли ва пўртахол.....	3
Бадал	15
Биржа даллолининг севгиси.....	27
Ўн долларликнинг ҳикояси.....	34
Шериклар	46
Кишанланган «қўллар».....	55
Мўъжизавий кулчалар	60
Перкинсининг ваъдаси.....	68
Агар санъатни севсанг.....	78
Тақдир ҳазили	91

Адабий-бадиий нашр

О. ГЕНРИ

ШАФТОЛИ ВА ПЎРТАХОЛ

Ҳикоялар

Таржимон **Саиджалол Саидмуродов**

Мухаррир *Зухриддин Қудратов*

Рассом-дизайнер *Умид Сулаймонов*

Техник муҳаррир *Бекзод Каримов*

Кичик муҳаррир *Гулбайра Ералиева*

Мусаххих *Нодира Ҳошимова*

Компьютерда саҳифаловчи *Камола Ҳамидуллаева*

Нашриёт лицензияси АІ № 158.14.08.2009.
Босишга 2018 йил 16 февралда рухсат этилди.
Бичими 70x90¹/₃₂. «Офсет» қоғози,
«Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида босилди.
Шартли босма табоғи 3,79. Нашр табоғи 2,87.
Адади 5000 нусха. Буюртма №17-536.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Г 34 **Генри, О.**
 Шафтоли ва Пўртахол [Матн]:
 ҳикоялар / О. Генри. – Тошкент:
 «O‘zbekiston» НМИУ, 2018. – 104 б.

ISBN 978-9943-25-433-6

УЎК 821.111(73)-32

КБК 84(7АҚШ)5